O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши мин-минлаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 14 (120)-сон, 2006 йил 6 апрель | www.21asr.com

3 ЕврАзЭС: ташқи иқтисодий сиёсатимизда янги давр

8 Оҳангаронча «танлов» усули

9 «Дунё фабрикаси»нинг иқтисодий мўъжизаси

Ўзбекистон-Россия ишбилармонлари бизнес-форуми

Кеча Тошкентда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Германия ва Украина каби кўплаб мамлакатларнинг 30 дан ортиқ компаниялари иштирокида «Металлургия, кимё, энергетика» Industrial Expo Uzbekistan-2006 халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Ана шу кўргазмада Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси катта вице-президенти Борис Пастухов бошчилигидаги Россия ишбилармон доираларининг йирик делегацияси ҳам қатнашмоқда. Кеча пойтахтнинг "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Ўзбекистон-Россия бизнес-форуми ташкил этилди. Унда 200 дан зиёд россиялик тадбиркорлар ўзбекистонлик ҳамкорлари билан Ўзбекистон-Россия муносабатлари очиб бераётган имконият ва истиқболлар, ҳамкорлик борасидаги алоқаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Делегация таркибида Россиянинг қатор вилоят, ўлка ва федерацияси субъектлари савдо-саноат палаталари раҳбарлари, йирик саноат корхоналари вакиллари бор. Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бири эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Агар 2004 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 2,06 млрд. долларга етди. Айниқса, давлатларимиз раҳбарлари ўртасида ўтган йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги битим бундан ҳам кенг қамровда ҳамкорлик қилиш имкониятларини очиб берди.

Бизнес-форумда Ўзбекистон иқтисодий ва инвестицион салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Юртимизда бизнес қилиш имкониятлари, бунинг учун яратилган ҳуқуқий асослар ҳақида батафсил маълумот берилди. Сўзга чиққан россиялик ҳамкорлар ўзаро манфаатли бизнесда тобора кенгайиб бораётган ҳамкорлик ҳамда ҳали тўла ишга солинмаган имкониятлар ҳақида гапирдилар. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ЕврАзЭСга қўшилиши муносабати билан ушбу ташкилот доирасида кўптомонлама ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама этилди.

Давоми 2-саҳифада.

Ўзбекистон — россиялик тадбиркорлар учун улкан имкониятлар мамлакати

Борис ПАСТУХОВ, Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси катта вице-президенти, делегация раҳбари

— Юртингизда жуда кўп соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш мумкин. Айниқса, ўтган йили давлатларимиз президентлари имзолаган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки томон ишбилармонлари учун ўзига хос "йўл харитаси" бўлиб хизмат қилади, деб айтиш мумкин. Бу ҳар икки томон учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очади, албатта. "Газпром", "ЛУКОЙЛ", "Вимм-Билль-Дан" сингари компанияларнинг Ўзбекистондаги фаолиятини олайлик. Мазкур компаниялар Ўзбекистонда бизнес қилишнинг фойдали эканлигини кўрмаганларида бу ерга келмаган бўлардилар. Шу жиҳатдан ҳам улар Россиядаги бошқа корхоналарни юртингизга инвестициялар киритишга ундовчи омил бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда Россияда ҳам ўзбекистонлик тадбиркорларга ана шундай кенг имкониятлар мавжудлигини айтиб ўтмоқчиман. Россия ҳудудидаги Ўзбекистон резидентлари сармояси иштирок этаётган 300 га яқин компания фаолияти бунинг яққол исботидир. Биз бундан буён ҳам сизлар билан савдо-иқтисодий муносабатларимизни ривожлантириш тарафдоримиз.

Узоқ ва яқин хорижда

Ироқ

Бош вазир — нишонда

Ироқ бош вазири Иброхим Жаъфарий Қўшма Штатлар ва Буюк Британия уни истеъфога чиқишга мажбур қила олмасликларини айтди.

Британиянинг «Гардиан» газетасига берган интервьюсида у бош вазир лавозимини демократик йўл билан олганини, Ироқ халқининг фикри билан хисоблашиш лозимлигини таъкидлади.

АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ва Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро тўсатдан Бағдодга ташриф буюрганларидан кейин ўтиш ҳукуматининг раҳбари ана шундай баёнот берди. Ташрифчилар Ироқда миллий бирлик ҳукуматини иложи борича тезроқ тузиш лозимлиги ҳақида гапирган эдилар. Ироқда миллий бирлик ҳукуматини расмийлаштириш ҳақидаги музокаралар бир неча ойдан буён давом этмоқда. Кўпчилик Иброхим Жаъфарий ана шу мақсадга эришиш йўлида асосий тўсиқ бўлиб турибди, деган фикрдадир.

Бош вазир лавозимига Ироқ аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи шиалар томонидан кўтарилган бу сиёсатчи суннийлар ва курдлар ишончини қозона олмади. Кейинги пайтларда кўзга кўринган шиалар ҳам агар у лавозимидан кетса, мулокот бир қадар самарали бўлур эди, деб айтмоқдалар.

БМТ

Фаластинда очлик хавфи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фаластин мухториятига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга жавоб берадиган агентликлари бу мамлакат аҳолисига очлик хавф солмоқда, деб баёнот берди.

Инсонпарварлик масалаларини мувофиқлаштириш бўйича БМТ бошқармаси раҳбари Дэвид Ширер Исроил ташқи ишлар вазирлиги вакилларини агар яқин орада вазият ўзгармаса, Газо секторида худди Косовода бўлганидек, жиддий гуманитар танглик рўй бериши ҳақида огоҳлантирди.

БМТнинг Фаластин қочоқларига ёрдам кўрсатиш агентлиги Газо сектори ҳудудида озиқ-овқат захираси охирлаб қолганини, Исроил Қарнидаги назорат-ўтказиш масканини тез-тез ёпиб қўяётгани боис Мисрдан олиб келинаётган озиқ-овқат ҳисобига захирани тўлдириб туриш иложи бўлмаётганини маълум қилди.

Жаҳон банки маълумотларида қайд этилишича, агар кескин ўзгаришлар рўй бермаса, икки йил мобайнида фаластинликларнинг 75 фоизи очлик ҳолатига тушиб қолади. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 56 фоизни ташкил этади. 2000 йилда эса 22 фоиздан иборат эди.

Буюк Британия

Спиртга тўйинган булутлар

Британия астрономлари газли булут кашф этилгани ҳақида хабар тарқатдилар. У метил спирти буғларидан иборат бўлиб, узунлиги 463 миллиард километрдир. Бу кашфиёт газ ва чангдан юлдуз жисмлар шаклланиши механизмини ўрганишда янги йўл очади, деб хабар беради ABC News Online Британия Кироллиги астрономия жамиятидан олинган янгиликларга таянган ҳолда.

Булут MERLIN радиотелескоплари тармоғи орқали Сомон йўли маконини ўрганиш пайтида аниқланди. У ниҳоятда улкан қўприк шаклига эга бўлиб, галактикамизда янги юлдузлар шаклланадиган маконни тўсиб туради ҳамда сайёралар орбитасига ўхшаш орбита бўйлаб марказий юлдуз атрофида айланади. Жодрэлл-Бэнк обсерваториясида мазкур лойиҳага раҳбарлик қилаётган доктор Лиза Харви-Смитнинг айтишича, «Узунлиги қарийб 300 млрд. миль бўлган алкоголли булутнинг топилгани ҳақидаги фикр ҳаяжонли, албатта. Бироқ метил спирти ўзига яқин турадиган этил спиртидан фаркли ўлароқ, инсон томонидан истеъмол қилишга яроқсиздир».

Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, улар давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос кўприкдир. Демократик тараққиёт тажрибаси ушбу ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг асосий шарти эканлигини кўрсатиб турибди.

Миллий манфаатларимиз йўлида

■ Ўтаётган ҳафтада Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясининг ННТларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан 19 та лойиҳа бўйича 73 млн. сўм миқдоридаги грантлари топширилди.

■ Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, экология, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, аёллар ва ёшлар ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, гуманитар йўналиши бўйича тақдим этилган 80 та лойиҳа бўйича ўтказилган мазкур танлов яна бир бор ННТлар вакилларининг ассоциацияга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Бугунги кунда дунёнинг қайси ҳудудида кечаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этмайлик, Нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Зеро, уларга фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, жамият ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш йўлидаги асосий восита сифатида қаралмоқда. Турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ифодалайдиган ННТлар фаолияти шунинг ўзи билангина чекланиб қолаётгани йўқ, албатта. Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, оммани сиёсий фаоллигини ошириш борасида улар зиммасига алоҳида масъулият ҳам юкланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда Ўзбекистонда давлат органлари билан ННТлар ўртасидаги ҳамкорлик бутунлай янги босқичга кўтарилди. Илгари ННТларнинг аксарияти молиявий негиз йўқлиги, ўз фаолиятини юритиш, ижтимоий буюртмалар олишда турли муаммоларга рўбарў бўлаётгани, қонунчиликдаги камчиликлар ва, айниқса, ягона куч сифатида бирлаша олмаётгани учун ҳам тарқоқ ҳолда иш олиб борган бўлса, 2005 йилнинг 18 майида O`zLiDeP кўмагида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги 150 га яқин ННТ вакиллари ташаббуси билан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясига асос солинди.

Биз бугун ахборот асрида яшаяпмиз. Янги даврнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, ўзга давлатни "ишғол" қилиш учун эндиликда ҳарбий воситалардан фойдаланиш серхаражат воситага айланиб қолди. Шу боис айрим сиёсий доиралар томонидан бошқача, яъни арзонроқ усулларга зўр берилмоқдаки, бунда аҳоли онгини забт этиш учун биринчи навбатда ахборот хуружлари авж олдирилмоқда. Зеро, ННТларнинг бевосита фуқаролар билан иш олиб боришларини назарда тутсак, айрим сиёсий кучларнинг айнан шу соҳага жиддий эътибор қаратаётганлиги сабаблари ойдинлашади. Бундай хатти-ҳаракатлар ортида қандай мақсадлар ётганлиги эса айни пайтда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Дунёнинг турли ҳудудларида содир бўлаётган воқеалар фикримизни тасдиқлаб турибди. Бир неча йил олдин АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) раҳбари "Нодавлат ташкилотлар орқали грант ва кўмак олаётганлар бундай гуманитар ёрдамлар ортида АҚШ ҳукумати турганини ҳар доим ҳам билишмайди", деганида тамомила ҳақ эди.

Кўринадики, тинган сувни лойқалатиш кимлар учун ҳамон керак бўлиб турибди.

Бас, шундай экан, ННТларнинг жамиятимиздаги мавқеини янада ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш диққат марказида бўлиши лозим. Тўғри, бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Айни кунда ушбу лойиҳа жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Унда ННТлар билан давлат ҳамда жамоатчилик ўртасидаги муносабатларга ойдинлик киритилган, текшириш тартиблари ва асослари, уларнинг ҳуқуқий кафолатлари аниқ белгиланган, шунингдек, ННТларни давлат буюртмалари билан таъминлаш, буюртма олиш учун танловлар ташкил этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, ННТлар айни кунда жамиятимиздаги фаол кучлардан бирига айланмоқда. Бу жараёнларни янада жонлантириш учун эса, энг аввало, улар фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтириш, жамоатчилик ўртасидаги обрў-эътиборини ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 4 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	868,16	1 Миср фунти	211,50	1 Польша злотийси	372,95	10 Жанубий Корея вони	12,48
1 Англия фунт стерлинги	2099,34	1 Исландия кронаси	16,88	1 СДР	1747,05	10 Япония иенаси	102,33
1 Дания кронаси	195,95	1 Канада доллари	1037,04	1 Туркия лираси	902,50	1 Россия рубли	43,77
1 БАА дирҳами	330,13	1 Хитой юани	151,12	1 Швейцария франки	924,94	1 Украина гривнаси	240,10
1 АҚШ доллари	1212,51	1 Малайзия рингги	329,44	1 ЕВРО	1461,56		

ЖАМИКИ иззат-икромлар биргина яхши дўстнинг ўрнини босолмайди

XXI_ASR@yahoo.com

АНЖУМАН

Ўзбекистон-Россия ишбилармонлари бизнес-форуми

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси савдо-саноат палаталари ўртасида Халқаро тижорат арбитражи соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзоланди. Ушбу ҳужжат икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик пайтида юзага келиши мумкин бўлган низоларни халқаро инстанциялар иштирокисиз, бошланғич босқичда ҳал қилиш имконини беради. Шунингдек, бизнес-форум якунлари бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Россиянинг Москва ва Кострома вилоятлари савдо-саноат ҳудудий бўлинмалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Россия ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасидаги музокаралар бугун ҳам давом этади. Анжуманнинг асосий мавзуи икки томон учун ҳам фойдали бўладиган бизнес уфқларини кенгайтириш масаласидир.

Валерий СЕРОВ, Россия Савдо-саноат палатасининг МДҲ давлатлари билан иқтисодий интеграция қўмитаси раиси:

— Биз қанча кўп ўзаро мулоқотда бўлсак, бир-биримизнинг имкониятларимиз ҳақида шунча кўп билиб борамиз. Ушбу форум ҳам ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун ана шундай муҳим мулоқотлардан бири бўлди. Бу ерда иштирок этаётган россиялик тадбиркорларнинг кўплиги ҳам Ўзбекистонга, унинг ҳудудида бизнес қилишга қизиқиш нечоғлиқ катталигини кўрсатиб турибди.

Шу пайтгача иқтисодий соҳадаги имкониятлардан тўла фойдалана олмаган бўлишимиз мумкин. Энди эса бизга яшил чироқ ёқиб қўйилди. Россия Марказий Осиёда муҳим аҳамиятга эга Ўзбекистон салоҳиятларидан фойдаланмаслиги мумкин эмас. Ўз навбатида глобаллашув ва кескин рақобат шароитларида Россия Ўзбекистон учун жуда қулай ва ишончли ҳамкордир.

Яков ИШУТИН, Россия Федерацияси Олтой ўлкаси губернатори ўринбосари:

— Олтой ўлкаси иқтисодиётида Ўзбекистон алоҳида роль ўйнайди. Юртингиз ўлкамиз ташқи савдо айланмасида иккинчи ўринда туради. Олтойда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникасига сизда талаб катта бўлса, Осиёнинг серқуёш бу давлатида етиштирилган мева-сабзавотлар бизда севиб истеъмол қилинади.

Лекин бу ҳали имкониятларимизни тўлиқ рўёбга чиқараяпмиз, дегани эмас. Биз ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари экспортини кўпайтирмоқчимиз. Ўз навбатида, пахта, тўқимачилик, кимё маҳсулотларига бизда эҳтиёж катта. Бу соҳада ҳамкорлигимиз ўзаро самарали бўлишига ишончим комил.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан оқ Жанубий Корея билан дўстона муносабатларни йўлга қўйган эди. Бу, албатта, бежиз эмас. Зеро, "тонгги тароватлар мамлакати" номини олган Корея ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан бориб, барча соҳада яхши натижаларга эришмоқда. Ўзбекистон-Корея ўртасидаги ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланмоқда.

Ишончли одимлар

Юртбошимизнинг шу йил 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлиши ва стратегик шериклик тўғрисидаги икки томонлама битимнинг имзоланиши ўзаро ишончга асосланган алоқаларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади, албатта. Аслида кореяликлар ҳамма билан ҳам бундай келишувни имзолайвермайдилар. Чунки стратегик шерикчиликни йўлга қўйиш, сармоя йўналтириш назарда тутилган мамлакатда, энг аввало, сиёсий барқарорлик бўлиши лозим. Ўзбекистон эса ана шундай давлатлар сирасига киради.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш йўлида олиб борилаётган изчил, барқарор сиёсат Корея жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Сеулда нашр этиладиган "Корея Таймс" газетаси Ўзбекистон раҳбари ҳақида жумладан, шундай деб ёзади: "Бировлар уни қаттиққўл ва ўз мақсадлари сари қатъий бора оладиган сиёсатчи деб ҳисоблайдилар. Яна бошқа бировлар эса моҳир дипломат ва иқтисодчи деб биладилар. Бироқ бу икки нуқтаи-назар соҳибларининг ҳаммаси бир масалада якдил, яъни Ислом Каримов - дунё миқёсида ўзига хос ҳурмат-эҳтиромга сазовор раҳбар ва инсондир, у ҳар қандай мураккаб сиёсий вазиятда ҳам шахсий жасоратини намоён қила билади".

Жанубий Корея тарафи мамлакатимизнинг геосиёсий жойлашувидаги ўзига хосликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Яъни Ўзбекистон Шимолий-Шарқий Осиё, Россия, Европа ўртасида "кўприк" вазифасини ўташи мумкин. Бу эса мамлакатларимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб 220 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар ўз маданияти, менталитетига кўра ўзбекларга жуда яқин. Бу фикр Жанубий Корея Республикасининг собиқ президенти Ким Ен Самнинг "ЎзДЭУ авто" қўшма корхонаси ишга туширилиши муносабати билан 1996 йил 19 июлда И. Каримовга йўллаган табрик хатида ҳам алоҳида таъкидланган эди.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдан иккала давлат ўртасида 1995 йилдан бери давом этаётган ташқи сиёсий маҳкамаларнинг ўзаро маслаҳатлашуви ҳам катта роль ўйнамоқда. Ушбу маслаҳатлашувлар ҳар иккала давлатнинг ташқи сиёсатга оид позициясида муштарак жиҳатлар кўплигидан далолат беради. Хусусан, Ўзбекистоннинг БМТ Бош котиби лавозимига Корея ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлаганлиги Сеул сиёсий доиралари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Сеулнинг Корея ярим оролида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Корея томони Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг ишончли ҳамкорлардан бири, деб билади. Шу боис мамлакатимиз иқтисодиётига катта миқдорда сармоя киритиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жумладан, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этгани, Корея томонидан киритилган сармоя миқдорининг 1,5 млрд. доллардан ошгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида ташкил этилган 138 корхона мавжуд бўлиб, уларнинг деярли барчаси рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Хуллас, Сеул музокаралари давомида молия, савдо ва сармоя, саноат, нефть-газ, энергетика, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, ОАВ, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги ҳамкорликка оид 40 дан зиёд ҳужжатлар имзоландики, уларда кўзда тутилган сармояларнинг умумий миқдори 1,8 млрд. доллардан ошди. Албатта, ташрифдан кўзда тутилган мақсад фақат шунинг ўзидангина иборат эмас. Корея тажрибасини ўрганиш, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўрта қатлам - мулкдорлар, ишбилармон ва тадбиркорлар учун янги имкониятлар яратиш мамлакатимизнинг эртанги тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Албатта, Жанубий Корея ҳам бугунги иқтисодий даражага осонликча эришгани йўқ. Мамлакатда бозор муносабатларига ўтиш учун чорак аср керак бўлди. Корея эришган муваффақиятларга дунёда "Ханган дарёси бўйидаги иқтисодий "мўъжиза", дея таъриф берилаётгани бежиз эмас. Зеро ислоҳотлар бошланган даврдан буён ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,3 миллиарддан 300 млрд. АҚШ долларига ўсди. Бу аҳоли жон бошига нисбатан 7 минг доллар, демакдир. Агар XX аср ўрталарида йиллик товар айланмаси 500 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 90-йиллар ўрталарига келиб ушбу кўрсаткич 150 млрд. АҚШ долларидан ошди. Бундай натижаларга экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, мутахассис кадрлар билими ва малакасини ошириш ҳисобига эришилмоқда.

Хуллас, икки давлат ўртасидаги шерикчилик алоқалари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Бироқ айтилганларнинг ўзиёқ Ўзбекистон - Корея ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Бу эса мамлакатларимиз халқлари манфаатларига тўла мосдир.

Аҳоли фаровонлигини кўзлаб...

Бугунги кунда юртимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилаётган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит соҳада янги имкониятларни очмоқда. Жумладан, республикамиз Президентининг шу йил 23 мартдаги "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз иқтисодиётини, унинг жуда муҳим тармоғи — чорвачиликни ривожлантириш йўлида яна бир катта амалий қадам бўлди.

Башорат ИНОМОВА,
Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Матбуот маркази раҳбари

Қолаверса, ушбу ҳужжатни Президентимизнинг ўтган йил охиридаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг мантиқий давоми сифатида изоҳлаш мумкин. Президентимиз имзолаган фармон ва қарорларида муштарак мақсад, яъни ерни ҳақиқий эгасига топшириш, аҳолини, айниқса қишлоқ аҳлини иш билан таъминлаш, шу орқали оила даромадларини ошириш кўзда тутилган. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётганини кўрсатиб турибди. Чорвачилик қишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, гўшт, сут, қаймоқ, тухум каби маҳсулотлар аҳоли томонидан кўп истеъмол қилинади. Чорва молларининг кўпайиши эса ички истеъмол бозорини бундай маҳсулотларга тўлдириш имконини беради. Қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этиш ҳам кўзда тутилган ушбу қарор нафақат кам таъминланган оилаларга, балки вақтинча ёки уйда ишсиз ўтирган уй бекаларига ҳам катта имкониятлар очиб беради. Қарорда бир туман миқёсида кам таъминланган ва кўп болали 100-200 та оилага биттадан сигир бепул ажратилиши таъкидланган. Мамлакатимизда 20 мингдан зиёд кам таъминланган оила бундай имтиёздан баҳраманд бўлади. Шу ўринда кичик таҳлил ўтказсак. 3-4 нафар ёш болали, ойлик маоши ҳаминқадар ёки умуман ишсиз оилаларга бир бош сигир тегди, дейлик. Сигир кунига ўртача саккиз литр сут берсин. Қишлоқ жойларда бир литр сутнинг баҳоси 150 сўм, демак, оила ҳар ойда 38000 минг сўм даромад қилади. Эндиликда оила вакили ушбу маблағ эвазига 3 кило гўшт, 3 литр ёғ, 4 кг шакар, шунингдек, совун, чой, туз, гугурт каби маҳсулотларини сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Кўриниб турибдики, бир оила, бемалол ўзини тиклаб олади.

Уй шароитида мол-ҳол билан овора бўлиб, ўз соҳасида ишлай олмаётган, лекин иш стажи ва қариганда пенсия масаласи ташвишлантириб турган ватандошларимиз учун ҳам бу қарор айни муддао бўлди. Чунки қарорга кўра қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчиларга меҳнат дафтарчаси очилади, фуқароларнинг бу юмуш билан бандлик даври пенсия тайинланиши учун меҳнат стажига киради.

Чорва туёғини кўпайтириш учун жойи, ем-хашаги бисёр, бироқ қорамол сотиб олишга маблағ топа олмаётган шахсий хўжалик эгалари учун қатор иқтисодий-молиявий афзалликлар бор. Бу маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг кафолатлари эвазига банклардан олинадиган кредитлардир. Кўпчилик гаров кафолати йўқлиги сабабли кредит олишни орзу ҳам қилмас эди. Қарангки, Президентимизнинг ўзи бу борада ҳам энг қулай ва осон йўлни топиб берди.

Қарорда, шунингдек, чорва молларини нафақат кўпайтириш, балки уларни соғлом, зотдор қилиб етиштириш йўл-йўриқлари ҳам белгиланган. Барча овул ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида чорва наслини яхшилаш мақсадида зооветеринария ва сунъий қочириш пунктлари очилади. Бунинг учун четдан келтириладиган чорва наслчилиги материаллари, технологияси ва ёрдамчи ускуналар бож тўловларидан озод қилинади.

Қишлоқ жойларда қорамоллар оммавий тарзда тиббий кўрикдан ўтказилади, лекин шаҳар шароитида қорамол боқувчилар ўз моллари қаерда тиббий кўрикдан ўтказишни билмас эдилар. Ушбу қарордан сўнг шаҳарлик фермерлар ҳам бир қатор қулайликларга эга бўладилар. Зеро, ем-хашак, озуқа олиш муаммоси ҳам шу йўсинда ҳал қилинди. Эндиликда барча туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларида озуқа, ем-хашак сотиш шохобчалари ташкил этилади.

Хулоса қилиб айтганда, фермерлик ҳаракатини кенг оммалаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, оилалар даромадини оширишга қаратилган мазкур қарорлар, эзгу ниятлар ва бағри кенгликдан халқимиз ҳар қанча фахрланса арзийди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Тошкент. O"zLiDeP Тошкент вилоят ташкилоти аъзоларининг 2646 нафари ёшлардир. Улар изланиш ва ташаббускорлик фазилатлари, ақл-заковат ва тадбиркорлик соҳасида салоҳиятга эга бўлиб, бугунги кунда диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўтган давр мобайнида партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги "Ёшлар қаноти" гуруҳлари ўз атрофига ана шундай фаол ёшларни бирлаштира олди. Жойларда кўплаб форумлар, семинар-тренинг, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаётгани шунинг самарасидир. Бундай тадбирларни ташкил этишдан мақсад битта, у ҳам бўлса, ёшлар онгига партияни мақсад ва вазифаларини чуқур сингдириш, уларни ягона ғоя атрофида жипслаштиришдан иборат. Бироқ ҳали бу борада ечимини кутаётган, зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар кўп.

Вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг ҳисобот йиғилишида ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари, вилоятнинг шаҳар ва туман кенгашлари ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосарлари, "Ёшлар қаноти" гуруҳларининг раҳбар ва аъзолари, "Ишбилармон ўқувчи" республика кўрик-танлови ғолиблари, ёш тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар иштирок этишди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ўтган даврда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликларни атрофлича муҳокама қилдилар. Вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил этилиб, танқидий нуқтаи назардан баҳоланди ва келгусида амалга ошириладиган ишлар, устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, ҳисобот йиғилишида "Ёшлар қаноти" гуруҳи ва Жамоатчилик кенгашининг янги таркиблари ҳамда 2006 йилга мўжалланган иш режаси тасдиқланди.

• • •

Самарқанд. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги 01-162-сонли "Давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларида O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари учун доимий семинарлар ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят партия кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида "Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий мавқеини оширишда O`zLiDePдан сайланган депутатларнинг вазифалари" мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Тадбирни O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раиси Д.Нормуродов бошқарди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Худойбердиева сўзга чиқиб, аёлларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни, вилоятда аёлларга яратилган имкониятлар ва шарт-шароит, жумладан, тадбиркор, фермер хотин-қизларнинг фаолиятини кучайтиришга қаратилган ишлар, бу борада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида ўз таклифларини илгари сурди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" фармонлари ҳамда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ижросини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

• • •

Сурхондарё. Партиянинг Қумқўрғон туман кенгаши, туман Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлими ҳамкорлигида хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, улар ҳаётидаги ишсизлик муаммоларини бартараф этиш ва иккиламчи касбга ўргатиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган кўргазмали тадбир уюштирилди. Унда меҳнат ярмаркаси ташкил қилиниб, кўпчилик хотин-қизлар иш билан таъминландилар. Тадбир давомида давра суҳбати уюштирилди. Унда аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давра суҳбатида партия фаоллари, илғор тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этишди. Ошкора мулоқот тарзида ўтган ушбу тадбирда республикамизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бу борадаги истиқболли режалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

• • •

Жиззах. Дўстлик тумани ва Жиззах шаҳрида партия вилоят кенгаши ва вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қуватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари диний, маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг билим ва кўникмаларини оширишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Тўйчиева олиб борди. Шунингдек, йиғилишда O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари И.Маматқулов, вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари, профессор У.Носиров, вилоят имом-хатиби М.Жабборов ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш, ички ишлар, адлия бошқармалари ва қатор мутасадди идораларнинг ходимлари сўзлаб, аёллар ижтимоий мавқеининг бугунги ҳолати, жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида уларнинг қобилият ва имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш тўғрисида таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

ҚАРИНДОШЛАРНИНГ муносабатлари эмас, қарашларнинг бирлиги дўстликка олиб келади

ЕврАзЭС: ҳаётий мақсадларга асосланган ҳамкорлик

Мустаҳкам хавфсизлик, изчил иқтисодий тараққиёт учун қулай шароитлар яратиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, конституцион тузум асосларини мустаҳкамлаш, миллатлар аҳиллиги, фуқаролар эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асоси бўлиб, уларни рўёбга чиқариш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш йўлида ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг миллий механизмлари яратилди. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатига қаратилгандир. Яъни, мамлакатимиз бирон-бир халқаро ташкилотга аъзо бўлиш, икки ва кўптомонлама муносабатларни ривожлантириш масаласида "етти ўлчаб бир кес" нақлига амал қилган ҳолда иш тутмоқда. Бугунги кунда Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш, интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, умумий бозорни шакллантиришга астойдил бел боғлаган иқтисодий ва сиёсий ташкилотлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, керак бўлса, уларга аъзо бўлиш мамлакатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йиллар тажрибаси Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ушбу маконда умумий бозорни барпо этиш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш, божхона иттифоқини қарор топтириш, эркин савдо ҳудудини тузиш сари дадил одимлаётган ташкилот эканлигини амалда исботлади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, Шерзод АРАПОВ

2006 йилнинг 25 январида Ўзбекистон ана шундай нуфузли ташкилотга аъзо бўлди.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мақсад ва вазифалари бир-бирига ўхшаш икки ташкилот — ЕврАзЭС ва МОҲТнинг бирлашуви айрим Ғарб сиёсатдонлари таъкидлаётганидек, МДҲ маконида тарқоқлик эмас, балки интеграция жараёнлари мустаҳкамланиб бораётганининг ифодасидир. Аслида мамлакатларимиз халқларининг яқинлашуви — табиий кечаётган жараён бўлиб, бундай муносабатларга Евроосиё ҳудудидаги давлатларнинг бир-бирига иқтисодий жиҳатдан боғлиқлиги, маданий ва маънавий алоқалари, узоқ тарихий давр мобайнида халқларимизнинг қон-қардошлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, бугунги кунда дунёда кечаётган жараёнлар бир мамлакатнинг якка ҳолда ривожлана олмаслигини ҳам исботлаб берди. Куч-қудрати, имконияти, мавқеи қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай давлат ўзга мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Чунки жаҳон миқёсида чуқурлашиб бораётган ўзаро рақобат ва глобаллашув жараёнлари иқтисодий ташкилотлар доирасида тенг ҳуқуқлилик асосида иш юритиш лозимлигини тақозо этмоқда. Зеро, бугунги кунда иқтисодий алоқалар сиёсий ҳамкорликни белгиловчи асосий омил ҳамдир. Ана шундай бир шароитда МОҲТ ҳамда ЕврАзЭСнинг бирлаштирилиши замон талабларига мос ҳаракат сифатида намоён бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Учинчидан, шуниси диққатга сазоворки, ЕврАзЭС сиёсий ёки ҳарбий ташкилот эмас, балки интеграцияга хизмат қилувчи иқтисодий тузилмадир. Лекин хориждаги баъзи бир сиёсатдонлар ташкилотнинг МДҲ ҳудудида тузилган бошқа тузилмалар каби келажаги йўқ, деган иддаони ҳам билдирмоқдалар. Тўғри, интеграцияни мустаҳкамлаш осон кечадиган жараён эмас. Бироқ ЕврАзЭС ўтган 6 йил мобайнида сезиларли ютуқларни қўлга киритгани юқоридагидек фикр-мулоҳазаларнинг асоссиз эканлигини исботламоқда. Биргина ўтган йил якунларига кўра, аъзо мамлакатлар ўртасида учинчи давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулотларнинг учдан икки қисмига нисбатан божхона тарифларини ягоналаштиришга эришилганининг ўзиёқ мазкур ташкилотнинг нечоғлик катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатди.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда Марказий Осиёда вазият шу қадар шиддат билан ривожланмоқдаки, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида иш юритилмаса, минтақадаги барқарорлик хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Сабаби — бу ерда катта геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар тўқнаш келаётир. Андижон воқеалари, Қирғизистондаги айрим талотўплар бунга мисол бўлиши мумкин. Мана шундай шароитдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган айрим кучлар экстремистик ташкилотларни фитна қуроли сифатида ишга солишдан ҳам қайтмаяптилар. Бу ҳам етмаганидек, ҳудуддаги давлатларнинг аксариятига нисбатан Ғарбнинг ахборот хуружлари ишга солинмоқда. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг "рангли инқилоб"лар борасидаги найранглари ўтмагач, ўч олишнинг ана шундай йўлларидан ҳам фойдаланишга зўр берилмоқдаки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Шу ўринда Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг янада муҳим жиҳатларига тўхталсак. 1995 йилда тузилган Божхона иттифоқи негизида ташкил топган ҳамжамиятнинг стратегик мақсадлари аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу вазифа босқичма-босқич эркин савдо ҳудудини ташкил этиш, кейинчалик эса Божхона иттифоқини тузишга қаратилгандир. Буларнинг бари умумий бозорнинг шаклланишига олиб келади, албатта. Бу атама моҳиятини алоҳида таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Яъни аъзо мамлакатлар орасида ишчи кучи, товарлар ва хизматлар эркин ҳаракатда бўлади. Божхона тўловлари фақат учинчи мамлакатдан келадиган товарлар учунгина жорий этилади ва улар ҳам бир маротаба олинади, холос. Товарлар ва хизматлар учун ички чегаралар очиқ, ташқи чегара эса умумий бўлади. Шундай экан, табиийки, аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро масъулият ва айни вақтда ўзаро ишонч мустаҳкамланиб боради. Бу эса ўз-ўзидан давлатлараро муносабатларни иқтисодий ҳамкорлик асосида ривожлантиришга хизмат қилади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда эса, ана шу икки ташкилотнинг бирлашуви ҳамжамият доирасидаги интеграцион жараёнларга катта куч бахш этади. Яна бир муҳим масала — бу ташкилотга аъзолигимизнинг ҳуқуқий томондан мустаҳкамланганлигидир. Яъни Олий Мажлис "Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги шартномага қўшилиши тўғрисида баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунларни қабул қилди. Дарҳақиқат, республикамизнинг мазкур нуфузли ташкилотга аъзо бўлиб кириши миллий парламентимиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Авваламбор, иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунларимиз бир-бирига яқин. Лекин Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти доирасидаги қарорларга мувофиқ, ички қонун ҳужжатларини аъзо давлатлар қонунлари билан уйғунлаштириш ва мослаштириш учун жами 60дан ортиқ ҳужжатга ўзгартиришлар киритилиши керак.

Ўзбекистоннинг Ҳамжамиятга аъзо бўлиши Евроосиё минтақасида йирик лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Транспорт коммуникациялари, энергетика, халқаро савдо — булар муҳокама учун мавзуларнинг бир қисми, холос. Айниқса, Ўзбекистон ва Россия ўртасида алоқалар ривожига бевосита таъсир этувчи бир неча муҳим келишувларга эришилганини таъкидламоқ жоиз. Россия Федерациясининг "Газпром" очиқ акциядорлик жамияти билан Ўзбекистон Республикасининг "Устюрт минтақасидаги Урга, Қувонч ва Ақчала конларини ўзлаштиришнинг асосий тамойил ва мезонлари тўғрисида"ги, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан "Газпром" ОАЖ ўртасида "Ўзбекистоннинг Устюрт минтақасидаги сармоявий блоклар ҳудудларида геологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий тамойиллари тўғрисида"ги битимлар имзоланди. Устюртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни кўзда тутувчи бу ҳужжатларнинг умумий қиймати 660 миллион АҚШ долларига тенгдир. Шу тариқа "Газпром"нинг Ўзбекистонга киритадиган сармояси умумий ҳисобда 1,5 млрд АҚШ долларидан ошади. Мазкур битимларнинг Ҳамжамият саммити доирасида имзоланиши ушбу ҳужжатларнинг аҳамияти икки томонлама муносабатлар доирасидан анча кенг эканлигига яна бир далилдир.

Қолаверса, ушбу макондаги давлатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқариш имкониятимиз янада кенгаяди. Айтайлик, мамлакатимизда етиштириладиган пахта, чорва, қоракўл, полиз маҳсулотлари ёки мевалар учун Россия ва Беларусь — катта бозор. Айнан шундай маҳсулотлар Россия ва Беларусь орқали Европага чиқиши янада осонлашишини инобатга олсак, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг биз учун яратаётган имкониятлари янада ойдинлашади. Маълумки, бу йил қиш фасли Россия учун жуда оғир келди. Унинг жанубий ўлкаларидаги мевали дарахтларни совуқ урди. Ана шундай бир шароитда Россия президенти Владимир Путиннинг ҳукумат аъзолари билан учрашувида мева-сабзавот маҳсулотларини Марказий Осиё давлатларидан, хусусан, Ўзбекистондан олиш борасида берган маслаҳати савдо-иқтисодий муносабатлар янада мустаҳкамланишидан далолатдир.

Россиялик таҳлилчиларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти сафидан жой олиши ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун бирдек манфаатлидир. Чунки мамлакатимиз енгил ва оғир саноат, савдо, машинасозлик, самолётсозлик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, коммуникация, жумладан, транзит соҳасида катта имкониятларга эга. Дунёнинг салкам олтидан бир қисмини эгаллаган ҳамжамият ҳудудида 210 млн.га яқин аҳоли истиқомат қилишини инобатга олсак, Ўзбекистон маҳсулотлари учун улкан бозор пайдо бўлганлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон — аҳолиси ва иқтисодий имкониятлари бўйича Марказий Осиёнинг йирик давлати бўлгани учун ҳам Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг мавқеини, унинг бозорини янада кучайтиради. Иккинчидан, ЕврАзЭСнинг асосий мақсади ягона умумий бозор, ягона иқтисодий маконни барпо этиш эканини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг "умумевроосиё" бозоридаги ҳам истеъмолчи, ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчи улкан мамлакат экани маълум бўлади. Республикамизнинг Ҳамжамият сафига қўшилиши бошқа давлатлар қатори Россия учун ҳам манфаатлидир. Масалан, россиялик тадбиркор ва ишбилармонларнинг мамлакатимиз бозоридаги мавқеи янада ошади.

ЕврАзЭС фаолияти орқали Ўзбекистоннинг ташкилот аъзолари билан ўзаро товар алмашинуви яхшиланибгина қолмай, эркин савдо ҳудудини ташкил этиш ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш йўлида янги имкониятлар пайдо бўлади, энергетика бозорини ривожлантириш истиқболлари кенгаяди. Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистонда нефтни қайта ишлаш саноатининг потенциали катта. Бу эса ЕврАзЭС доирасида нефть маҳсулотларининг умумий бозорини ташкил этиш имконини бериши турган гап. Учинчидан, ҳамжамият доирасида сув ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммосини самарали ҳал қилиш мумкин. Ниҳоят, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан чегарадошлигини инобатга олсак, республикамиз иштирокисиз Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти фаолиятини манфаатли асосда ташкил этиб бўлмаслиги аён бўлиб қолади.

Кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш учун, энг аввало, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришга хизмат қиладиган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилиши керак. Ташкилот доирасида қабул қилинган барча битим ва ҳужжатларда энди Ўзбекистоннинг ҳам манфаатлари акс этишига шубҳа йўқ.

Биз иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини чуқурлаштиришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Мана шу мақсадларга эришишда, албатта, ЕврАзЭСга аъзо мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, юртимизда мулқдорлар сонини кўпайтиришга, улар олдида турган тўсиқларни олиб ташлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу боис ҳамжамият доирасида тадбиркорлар ва ишбилармонлар бошини қовуштирадиган муассаса борлигини ҳам таъкидламоқ жоиз. Амалий бизнесни интеграция жараёнларига жалб этиш мақсадида "ЕврАзЭС ишбилармонлари кенгаши" — нотижорат ташкилот тузилган. Мазкур уюшманинг мақсад ва вазифалари ягона иқтисодий ҳудудни шакллантириш ҳамда турли тармоқ корхоналари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қулай шароит яратишга қаратилган ЕврАзЭС доирасида қабул қилинган сиёсий қарорларга тўла мос келади.

Уюшманинг бош мақсади — ЕврАзЭС ҳудудида ишбилармонлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш учун шароит яратиш ҳамда унинг аъзоларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш. Айни пайтда "ЕврАзЭС ишбилармонлари кенгаши"га нафақат ҳамжамият мамлакатлари, балки яқин ва узоқ хориждаги бошқа давлатлардан 100 дан зиёд фирма ва ташкилотлар аъзо бўлганлигининг ўзиёқ ташкилот истиқболли эканлигидан далолат беради.

Яна бир масалага тўхталмасликнинг иложи йўқ. Иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий сиёсат соҳасида ЕврАзЭС фаолиятининг асосий 4 та йўналишини келтириб ўтиш ўринлидир. Биринчиси — транспорт тизими. Мазкур йўналишда тарифлар сиёсати бўйича келишув, юк ташишни кўпайтириш, божхона расмиятчиликларини соддалаштириш, битимлар имзолаш бўйича давлатлар ичидаги ишларни тугатиш, трансмиллий транспорт-экспедиция корпорацияларини ташкил этиш асосий вазифа сифатида белгиланган.

Ёнилғи-энергетика тармоғи бугунги кунда жиддий эътибор билан қаралаётган соҳалардан биридир. Шу боис энергетика соҳасида алоқаларни йўлга қўйиш Ҳамжамият фаолиятининг иккинчи муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Марказий Осиё гидроэнергетика ресурсларини биргаликда ўзлаштириш ва электр энергияси таъминотини яхшилаш, сув манбаларидан унумли фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш, ягона энергетика тизимини яратиш аъзо мамлакатлардаги бу соҳа билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга муҳим ҳисса қўшишига умид уйғотади.

Учинчи йўналиш агросаноат соҳаси билан боғлиқ. ЕврАзЭС давлатлари қишлоқ хўжалиги соҳасини мувофиқлаштириш, умумий озиқ-овқат бозорини шакллантириш, транспорт хизмати, маҳсулотларни сақлаш, сотиш, қишлоқ хўжалик соҳасида янги бозор институтларини ташкил этиш орқали аъзо мамлакатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш кўзда тутилган.

Маълумки, сўнгги вақтларда МДҲ ҳудудида ноқонуний муҳожирлар сони кучайиб бормоқда. Ана шу масала қамраб олинган меҳнат миграцияси навбатдаги муҳим йўналишдир. Бу борада муҳожирларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат ресурслари миграциясини назорат қилиш ва бошқарувнинг амалий тизимини яратиш, миграция билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш, муҳожирлар ва уларга иш берувчилар томонидан солиқларни тўлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бугун барча аъзо мамлакатлар учун мақбул ишдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳукуматлараро битимга кўра, ЕврАзЭС аъзоси бўлган давлат фуқаролари, доимий яшаш жойидан қатъий назар, Ҳамжамият давлатлари ҳудудига визасиз кириш, чиқиш, транзит йўли билан ўтиш, мазкур ҳудудларда бўлиш ва ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса Ҳамжамият давлатлари ишбилармон ва тадбиркорлари, фирма ва компаниялари, қолаверса, фуқаролар ўртасида яқин амалий ва дўстона муносабатларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Яна бир гап. ЕврАзЭСдаги мамлакатлар биз учун нотаниш ёки бегона эмас. Улар билан яхшигина икки томонлама алоқалар йўлга қўйилган. Турли соҳалардаги ҳамкорлик давом этмоқда. Лекин бугунги кун, давр талабидан келиб чиқиб, интеграциялашган ҳолда муносабатларни такомиллаштириш мамлакатлар иқтисодий тараққиётига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши билан ташқи иқтисодий сиёсатимизда янги давр бошланди. Умид қиламизки, юрт равнақи, ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз йўлида ташланган бундай қадамлар бардавом бўлади. Яқин келажакда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида у ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

МУЛОҲАЗА

ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ

Ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти, аҳоли фаровонлиги банк фаолиятига бевосита боғлиқдир. Акциядорлик-тижорат "Пахтабанк"и акциядорларининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида ана шу муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди.

Агар ушбу банк фаолиятига назар ташласак, турмушимизнинг, кундалик фаолиятимизнинг ҳар бир жабҳасида унинг беқиёс ўрни борлигига гувоҳ бўламиз. Айни пайтда "Пахтабанк" акциядорлари 77 минг 494 нафардан зиёдни ташкил этади. Ана шу биргина рақам ҳам мазкур молия муассасаси мамлакатимизда нечоғли нуфузга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Бугун "Пахтабанк" Қорақалпоғистон Республикаси, ва барча вилоятларда 13 та бошқармага ва улар таркибига кирувчи 183 та филиал ҳамда 619 та минибанкларга эга. Банкнинг жамланма капитали 2005 йил 31 декабрь ҳолатига 58,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўтган йил бошига нисбатан 113,9 фоизга кўпдир. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигини кредитлаштиришнинг янги тизимига асосан ушбу банк томонидан кўпдан-кўп имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда. Масалан, ғалла ва пахта етиштириш харажатлари учун ўтган мавсумда 225 млрд. 619 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Қурилиш ташкилотларига эса 6 млрд. 649 млн. сўмлик қисқа муддатли кредитлар берилди.

Излаган имкон топади

Кичик ва микро молиялаштиришни ривожлантириш, мамлакат иқтисодий фаолиятини юксалтириш борасида АТ "Пахтабанк"и Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда 5,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштирди. Бундан ташқари, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки билан бирга "Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси орқали кўпгина корхона ва хўжаликларга 1 млн. 431 минг АҚШ долларига тенг узоқ муддатли кредитлар ажратди.

"Пахтабанк" фаолиятидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ. Бу борада 26 млрд. 44 млн. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди.

Банкнинг жамланма капитали 2005 йил 31 декабрь ҳолатига 58,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўтган йил бошига нисбатан 113,9 фоизга кўпдир. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигини кредитлаштиришнинг янги тизимига асосан ушбу банк томонидан кўпдан-кўп имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда.

Одатда фермер ва ширкат хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг бири уларнинг лизинг хизматидан фойдаланишларига кўмак беришдир. Акциядорлик-тижорат "Пахтабанк" бошқаруви 2005 йил давомида ўз мижозларига 7 млрд. 12 млн. сўмлик лизинг хизматини кўрсатди.

Мамлакатнинг келажаги бугунги ёшлар — турли олий ўқув юртларида таълим олаётган йигит-қизлар қўлида. Уларнинг пухта билим эгаллаши учун етарли шарт-шароит яратиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарорига асосан банк томонидан 2292 нафар талабага кредит берилди. Бу миқдор салкам 1 млрд. сўмни ташкил этди.

Барча тараққий этган давлатларда жорий қилинган ва мамлакатимизда ҳам кенг қўлланила бошлаган банк пластик карточкаларидан мамлакатимизда фойдаланишнинг йўлга қўйилгани тараққиёт сари қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 440 минг нафардан ортиқ мижоз "Пахтабанк" пластик карточкаларидан фойдаланаётгани эса алоҳида эътиборга моликдир.

Иш фаолиятида хизмат кўрсатишнинг энг замонавий усулларини қўллаш учун етарли билим ва тажриба зарур. Шу боис банк бошқаруви кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида аҳамият бермоқда. Шу мақсадда йилига кўплаб мутахассислар Германия, Хитой, Англия, Бельгия, Япония, Ҳиндистон, Таиланд сингари мамлакатларда ўқиб, малака ошириб қайтмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ҳисобот йиғилишида АТ "Пахтабанк" акциядорлари банкнинг бир йиллик фаолиятига қониқарли баҳо бердилар. Йиғилишда жорий йил режалари атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЖАМИЯТ фаровонлиги учун фойда келтирадиган қарор олижанобликдир

XXI_ASR@yahoo.com

ҚАРОР ВА ИЖРО

Умидбахш қарор

амалиётга татбиқ этилса, қозон ҳам, чўмич ҳам мойга тўлади, — дейди шофирконлик отахон Жамол ҲАМРОЕВ

Битта бўлса-да, соғин сигири бор оиланинг дастурхони ҳамиша файзли бўлган. Доимий сут-қатиқ истеъмол қилиб юрганлар касалликка кам чалинганлар, узоқ умр кўрганлар. Бундан ташқари, қорамол боққан одамнинг томорқасида ҳам ҳосил мўл бўлган. Табиий ўғит ернинг маҳсулдорлигини оширган. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шу нуқтаи назардан олиб қараганда ўта муҳим аҳамиятга моликдир.

■ **Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири**

«Минггон» қишлоғилик Ҳамроевларни ҳамма "ишнинг ўзини ҳам, кўзини ҳам билувчи сулола" дейди. Нега? Чунки бу оила вакиллари орасида халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича олий, ўрта махсус маълумотли ва бой ҳаётий тажрибалилар талайгина. Бир неча оиладан иборат ушбу сулола вакилларидан қай бирининг хонадонида бўлманг, уларнинг барида чорва моллари парваришланаётгани ва бу саъй-ҳаракат натижасида катта даромад олинаётганининг гувоҳи бўласиз. Шунинг учун ҳам уларни нафақат Султон Жўра қишлоқ фуқаролар йиғинида, балки Шофиркон туманида ҳам энг обрў-эътиборли ва ишбилармон одамлар сифатида тилга олишади.

— Оилада қанчалик кўп ва хўп чорва, айниқса, соғин сигир ва сўқим боқилса, унинг қут-баракаси шунчалик бисёр бўлади. Бундай хонадон сира муҳтожлик кўрмайди. Аксинча, ўз-ўзидан бойиб, дастурхони тўкин ва файзли бўлиб бораверади, — деди биз билан суҳбатда мазкур сулола сардори Жамол Ҳамроев. — Президентимиз чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганларининг боиси ҳам ана шунда. Мен яқинда қабул қилинган қарорни ўқиб чиқиб, уни ниҳоятда долзарб ва ҳаётий муҳим аҳамиятга эга дастурламал эканлигига амин бўлдим. Агар у жойларда тўлиқ ижро этилса, қишлоқлардаги оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи сезиларли даражада яхшиланади. Юзага келган тўкинлик орқали шаҳар аҳлининг ҳам моддий фаровонлиги ошади. Содда қилиб айтганда, "қозон ҳам, чўмич ҳам мой" бўлади.

Жамол Ҳамроевнинг бу қадар қатъий фикр билдираётгани бежиз эмас. Аслида у уруғчилик ихтисослиги бўйича олим-агроном. Бутун фаолияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Ҳатто юқори раҳбарлик вазифаларида ишлаганида ҳам хонадонида зотли сигир, 2-3 бош сўқим, 5-10 та қўй-эчки боқилган. Йигирма йиллар бурун меҳнат пенсиясига чиққан бўлсада, ҳамон ушбу анъанани давом эттириб келади.

Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, Жамол отанинг икки ўғли - Баҳодир ва Бобур ҳам тадбиркор. Улар ташкил этган кичик корхоналарда 4-5 нафардан ишчи-мутахассис ишлайди. Бундай олганда, ҳеч нарсадан муҳтожлик жойлари йўқ. Аммо, шунга қарамай, уйларида 8-10 бошдан қорамол боқишмоқда. Учинчи ўғли - Бахтиёр эса туман «Автойўл қуриш ва таъмирлаш» корхонасида ҳисобчилик қилади. Пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги, 30 қути асал ариси, 6 бош қорамоли бор.

Сулоланинг иккинчиси - Жалол Ҳамроев ва унинг олти ўғли оиласида ҳам чорвага эътибор кучли. Масалан, катта ўғил - Абдужаббор ва Олия келин 10-12 бош сersут сигир ҳамда зотдор сўқим боқишади. Ўртача 6 та семиртирилган сўқимни ё тирик вазнда, ё сўйилган ҳолда пуллашади. Ўрнига дарров бузоқ олиб боғлашади. Доимий равишда қуниқўшниларга бозордагидан анча арзон баҳода сут-қаймоқ сотишади...

Жалол аканинг иккинчи ўғли — Сатторнинг Жилвон массивида "Уч юлдуз" деб номланган фермер хўжалиги бор. Умр йўлдоши Гулчеҳра уйда 6-8 бош қорамол боқади. Ҳа, айтгандай, нега Саттор Ҳамроевнинг фермер хўжалиги "Уч юлдуз" деб аталади, дерсиз? Бунинг сабаби бор. Ушбу хонадонда дастлаб бир ўғил - Соҳиб, сўнгра бирваракайига уч фарзанд — Жасур, Жобир, Жавлон туғилган. Гулчеҳра уларни аввал кўкрак сути, сўнг серқаймоқ сигир сутига тўйдириб улғайтирган.

— Опам Малика, укаларим Абдурасул, Ҳожиқурбон, синглим Ҳалима, ўғилларимнинг оила аъзолари билан қўшиб ҳисоблаганда 61 жонмиз, - дейди Жамол ота Ҳамроев. — Барчамиз томорқа ва сўқимлар фойдаси ҳисобидан фаровон ҳаёт кечираяпмиз. "КИР-1,5", "Т-28" тракторларимиз, 2 та енгил машинамиз бор. Йил сайин ўртача 3-4 марта тўй қилиб, Наврўз, Ҳайит, Мустақиллик кунлари ҳамқишлоқлар учун алоҳида дастурхон тузаймиз.

Қарорнинг яна бир муҳим томони — унинг шарофати билан икки ўғлим ва беш келиним бандлик тоифасига кирадиган ҳамда ижтимоий муҳофаза қилинадиган бўлаётир...

Аслида Президент қарорини Ҳамроевлар каби қувонч билан қарши олганлар мазкур ҳудудда кўпчиликни ташкил этади. Масалан, Некбой Облобердиев, Расул Хўжаев, Қодир Темиров, Аскар Рамазонов, Асад Поччаев бошлиқ деҳқон, Умид Қўлдошев, Жўрабой Мустафоев, Шамсиддин Ҳакимов раҳбар фермер, Рамазон Қобилов, Қиёмиддин Қўлдошев етакчи ёрдамчи хўжаликларни айнан шу қаторга қўшиш мумкин.

Юқоридагилар барчаси туб мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Султон Жўра қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Пўлат Жумаев шундай деди:

— Ҳудудимизда истиқомат қилувчи 9 минг 210 нафар аҳолининг 2 минг 60 нафари (аксарияти хотин-қизлар) меҳнат билан бандлик мақомига эга эмасди. Яқинда улардан 523 нафари Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги фармонига асосан иш билан таъминланди. Чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор шарофати билан қолган фуқароларимиз ҳам меҳнат дафтарчаси ва кексайганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳозир мамлакатдаги барча ижро этувчи органлар қатори биз ҳам ушбу қарорни тўлиқ бажариш юзасидан аниқ режа ва тадбирлар белгилаяпмиз. Уларни ҳаётга татбиқ этиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

ИНСОН ВА ҚОНУН

«Ипотека» сўзи қандай маънони англатади? Молия-банк тизимини ривожлантириш борасида бу иқтисодий ускуртманинг ўрни ва аҳамияти нимадан иборат? Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтиришдир.

Ипотека хизмати — ҳаммага ва ҳар бир кишига

■ **Фахриддин КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати**

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш хусусида тўхталаркан, жойларда уй-жой қурилишини рағбатлантириш, жаҳон андозаларига мос самарали уй-жой бозорини шакллантириш айни кундаги муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатимиз раҳбарининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори алоҳида аҳамиятга моликдир.

"Ипотека" тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам ана шундай ҳаётий эҳтиёжлар туфайли майдонга келди, десак, асло хато қилмаймиз. Ҳозирги кунда лойиҳа кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилган. Айтиш мумкинки, қонун қабул қилингач, фуқароларимиз кўчмас мулкларини гаровга қўйиш орқали ипотека кредитлари олиш ва шу орқали уй-жой шароитларини янада яхшилаш имкониятига эга бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунлари ва 2006 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган мажлисида таъкидланганидек, "Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини белгиланган меъёрлар доирасида ажратиш ҳисобига хусусийлаштириш жараёнларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга эришиш мумкин. Бу хусусий ва оилавий бизнесни, ипотеканинг бошқа шаклларини ривожлантиришнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда амалда мавжуд бўлган, лекин давлатнинг назоратидан четда қолаётган кўчмас мулк ва бундай мулк жойлашган ер участкалари бўйича савдо айланмасининг қонунийлиги ва ошкоралигини таъминлайди".

> "Ипотека тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида амалдаги бир неча қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлади. Ҳаётимизда чуқурлашиб бораётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни шуни тақозо этмоқда. Умуман, янги қонун мамлакатимизда қурилиш индустриясини жадал ривожлантириш, кўплаб қўшимча иш ўринлари яратиш, фуқароларнинг уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш, иқтисодиётни соғломлаштириш, нақд пул айланмасини жадаллаштириш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ердан фойдаланиш ҳуқуқини гаровга қўйишдан кўра хусусий мулк мақомига эга бўлган ерни гаровга қўйиш ва кредитлаш жозибалироқдир. Яъни ерни хусусийлаштириш унинг пулга айланиши жараёнини тезлаштиради, кредитлаш харажатлари, уларнинг фоизларини, шунингдек, қайтарилмаслик хавф-хатарини камайтириш имконини беради. Умуман, ерга нисбатан хусусий мулкчилик шакли ҳамда уни ипотека усулида кредитлаш уй-жой қуришни ихтиёр этган фуқароларимиз учун ҳар жиҳатдан қулайдир.

Мулкка доир битишувларда давлат божлари ставкаларини босқичма-босқич камайтириш кун тартибида турган масалалардан биридир. Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Олди-сотди шартномаси тузилаётганда давлат божлари юқорилиги сабабли тарафлар мулкнинг ҳақиқий баҳосини кўрсатмасликка ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолларда кредитни расмийлаштириш ва уй-жой сотиб олиш қимматга тушиши мумкин. Бинобарин, кўчмас мулкларга оид олди-сотди шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш жараёнида давлат божларининг аниқ миқдорда бўлиши кредитлаш ишларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим. Яъни аҳоли ипотека усулида кредитлашнинг моҳиятидан бехабар қолаверса, банкларнинг бу борадаги ҳаракатлари чиппакка чиқиши мумкин. Бинобарин, жойларда фаол тушунтириш ишларини олиб бориш талаб этилади.

Мулк эгалари тегишли уй-жойни қурадилар, кўчмас мулк агентликлари уни бозорга олиб чиқадилар, банклар эса мулк олди-сотдисига оид аниқ тартибларни таклиф этадилар. Ипотека дастурларидан давлат ҳам четда турмайди, албатта.

"Ипотека тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида амалдаги бир неча қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлади. Ҳаётимизда чуқурлашиб бораётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни шуни тақозо этмоқда. Умуман, янги қонун мамлакатимизда қурилиш индустриясини жадал ривожлантириш, кўплаб қўшимча иш ўринлари яратиш, фуқароларнинг уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш, иқтисодиётни соғломлаштириш, нақд пул айланмасини жадаллаштириш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

2006 ЙИЛ — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

Қаторда норинг бўлса...

Дунёда инсон шаънини улуғловчи сифатлар кўп. Шулардан бири саховатпешаликдир. Одамнинг асл гўзаллиги унинг суратида эмас, балки сийратида, деган гап бекорга айтилмаган.

■ **Зухра АЛИЕВА**

Сиртимга қараб Сиз чиқарманг ҳукм,
Билмайин дилимда нималар ҳоким.
Орада вақт деган бир донишманд бор,
У ҳали айтади: Сиз киму мен ким.

Дарҳақиқат, вақт — олий ҳакам. У саракни саракка, пучакни пучакка ажратади. Қувалик Ҳосилжон Қурбонов буни дилдан ҳис этиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Унинг ҳаёт йўли бошқаларникидан деярли фарқ қилмайди. Мактаб, олий ўқув юрти, меҳнат... Фарғона политехника институтини тугатгач, қурилиш ташкилотида уста, бўлим бошлиғи, кейинчалик Қувадаги "Ал Қаҳҳор" савдо дўкони мудири бўлиб ишлади.

Бугунги кунда Ҳосилжон Қурбонов "Қишлоқхўжаликкимё" шўъба корхонаси раҳбари сифатида туман иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жамоада қатъий меҳнат интизоми йўлга қўйилган. Қурилиш ишларининг суръати ва сифатини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Элга хизмат — олий ҳиммат. Яхшилик ва эзгулик ҳеч қачон ерда қолмайди. Қуваликлар корхона раҳбари Ҳосилжон Қурбоновнинг қўли очиқ, феъли кенг инсонлигини яхши биладилар.

Мана, бир мисол. Тумандаги 2-шифохонага йўли тушган Ҳосилжон Қурбонов қулоқ, бурун, томоқ касалликлари бўлими биноси таъмирга муҳтожлигини кўрди-ю, ўйланиб қолди. Нима қилиш керак? Шу ишни ўз зиммасига олса, қандай бўларкин? Ахир, элнинг дуосидан каттароқ бахт қайда бор?

Хуллас, ниятлар аниқ режага айланди. Қурилиш ашёлари ўз вақтида етказиб берилди, иншоотни таъмирлаш учун малакали қурувчилар ажратилди. Аҳди қатъий, серҳиммат инсонларни Яратганнинг ўзи қўлларкан. Қ. Юнусов, А. Мирзараҳимов, О. Турдиев, Қ. Мамажонов каби қурувчиларнинг куч-ғайрати билан бино қиёфа касб этди, ҳар бир хонада замонавий қулайликлар яратилди. Ҳомийларнинг ҳиммати табобат ходимлари, айниқса, беморлар жуда мамнун.

— Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмас экан, — дейди бўлим бошлиғи Ёқубжон Умрзоқов. — Таъмирлаш ишлари кўнгилдагидек бажарилди. Бундай шинам, озода бинода меҳнат қилишнинг ўзи роҳат. Ҳомийларимизнинг топгани олтин бўлсин!

Ҳақ гап. Ҳосилжон Қурбонов болаликдан меҳнатда тобланиб ўсди. Отасининг бир гапи ҳамон эсида: "Эркак киши ваъдабоз бўлмаслиги керак. Ваъда бердингми, бажар. Акс ҳолда одамнинг бурди кетиб қолади". Ҳосилжон бу каби насиҳатларга амал қилиб, кам бўлаётгани йўқ. Кўпчилик ўртасида ҳурмат-эътибори бор. Қолаверса, саховатпешалик унга отамерос.

Нима ҳам дердик, юртимизда тинчлик бўлиб, феъли кенг, серҳиммат замондошларимиз сафи кенгаяверсин. Зеро, мурувват, саховатпешалик юксак инсоний фазилатдир.

Маълумки, жорий йилда Президент томонидан жамоат транспорти тизимида қўшимча ислоҳотларни ўтказишга доир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, 2006 йил 11 январдаги "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармон, шунингдек, 18 январь ва 28 февралдаги иккита қарор, март ойининг 9 санасида қабул қилинган "Автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарор йўл ҳаракати хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини асраш ҳамда транспорт хизматларининг сифатини ошириш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

Транспорт хизмати ҳақида очиқ мулоқот

■ **Сайёра ТУРҒУНБОЕВА**

31 март куни Миллий матбуот марказида пойтахтимиздаги барча автосаройларнинг раҳбарлари ва журналистлар иштирокида ўтказилган мулоқот юқорида қайд этилган масалаларга бағишланди. Мулоқот чоғида Президент томонидан имзоланган фармон ва қарорлар асосида амалга оширилиши лозим бўлган чора ва тадбирлар ҳақида гап борди. Жумладан, Тошкентда транспорт хизматини яхшилаш мақсадида автобус саройларида ҳайдовчи ва йўловчилар учун маиший хизмат турларини яратиш, бекатларга махсус трафаретлар ўрнатиш, йўллардаги носозликларни тузатиш, автобус ва бекатлар тозалигини назоратга олиш, шунингдек, рейсга чиқишдан олдин машиналарни техник, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақидаги талабларни оғишмай бажариш лозимлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида йўловчи транспорт воситаларини тартибга солиш ҳамда ташиш ҳуқуқини таъминлайдиган лицензияларни бериш устидан қатъий назорат ўрнатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бош вазирнинг матбуот котиби Шерзод Қудратхўжаев журналистларни жойлардаги шоҳбекатларда олиб борилаётган ишлар ва бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ОАВ орқали доимий равишда ахборот бериб туришга даъват этди. Пировардида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига автокорхона раҳбарларидан батафсил жавоб олдилар.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

ОДАМЛАР ФАОЛИЯТИГА ЎЗ ОЛДИЛАРИГА ҚЎЙГАН МАҚСАДЛАРИГА ҚАРАБ БАҲО БЕРИЛАДИ

Дарахт илдизи билан кучлидир

дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошланғич партия ташкилоти раиси Бердиёр ЖАББОРОВ

Ҳар бир сиёсий партия ўз фаолияти давомида аниқ ғоя ва мақсадларга таянади. Уларнинг асл моҳиятини оммага етказиш, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш борасида бошланғич ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклатилган.

■ Шухрат РАҲИМОВ

— Партия маслак ва эътиқоди муштарак кишиларнинг ихтиёрий уюшмасидир, — дейди суҳбатимиз аввалида Бердиёр Жабборов. — Ҳар бир сиёсий тузилманинг йўли, ўз дастури бор. Жамият ҳаётидан муносиб ўрин эгаллаш учун, энг аввало, халқ ишончини қозонмоқ керак. O`zLiDeP ана шундай шарафга муяссар бўлган партиялардан биридир, дея ишонч билан айтиш мумкин. Унинг сафлари тобора кенгайиб бораётганлиги бежиз эмас. Зеро, маслакдошлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Демоқчиманки, кўзда тутилган мақсадларни рўёбга чиқариш, партиявий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ бўлган масаладир.

2004 йил май ойида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошида O`zLiDePнинг бошланғич ташкилотига асос солинган эди. Ўтган давр мобайнида ташкилот сон жиҳатидан ўсди, сифат жиҳатидан мустаҳкамланди. Айни кунда тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ахборотлаштириш жараёнини такомиллаштириш, аҳолига телекоммуникация хизмати кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада O`zLiDeP аъзоларининг ғайрати ва ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, сафимизда ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

Юрт, Ватан туйғуси - ҳар биримиз учун муқаддас. Ўз юртини севган, унга меҳр ришталари ила боғланган кишиларгина жамиятга ҳаммадан кўпроқ наф келтиради. Бинобарин, бу туйғуни ҳар бир инсонда ёшликдан уйғотиш ва шакллантириш лозим.

Айни кунда бошланғич партия ташкилотимиз ҳисобида 300 нафар аъзо бўлиб, улар ўз бурчларига садоқат ва масъулият билан ёндашишга ҳаракат қилишмоқда.

Яқинда "XXI asr" газетаси таҳририятида O`zLiDeP нинг Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур тумани кенгаши раҳбарлари иштирокида давра суҳбати ўтказилиб, унда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар атрофида фикр юритилди.

— Бу каби амалий мулоқотлар тарғибот ва ташвиқот жараёнига қандай таъсир кўрсатади, деб ўйлайсиз?

— "XXI asr" — партия нашри ташаббуси билан ўтказилган мавзу юзасидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди, амалий таклифлар ўртага ташланди. Агентлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган фаоллар давра суҳбатидан катта таассурот билан қайтишганига ишончим комил.

Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган гап бор. Аслида ҳам шундай. Партия сафига сохта обрў учун кириб, тор шахсий манфаатлар гирдобидан чиқолмай юрганларни ҳам кўраяпмиз. Энди эса шундай замонлар ўтганини ҳис қилишимиз керак. Эндиликда сиёсий жиҳатдан етук, ҳуқуқий билимлардан хабардор, ўз касбига астойдил меҳр қўйган кишиларгина партия аъзоси бўлишга лойиқ.

— Бошланғич ташкилот партиянинг асосий ўзагидир. Бугунги кунда улар фаолиятига хос бўлган камчилик ва нуқсонлар нималарда кўринади?

— Дарахтни илдизсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бошланғич ташкилотлар, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир партиянинг илдизидир. Зеро илдизлари мустаҳкам бўлган партиягина омма орасига чуқурроқ кириб боради, узоқ яшайди. Биз шуни назарда тутиб, тарафдорлар сафини кенгайтиришга, ғоявий-сиёсий ишларнинг самарадорлигини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

XXI асрни ҳеч бир муболағасиз ахборот асри, деб аташ мумкин. Буни исботлаш учун узоққа бориш шарт эмас. Шиддаткор давримизда телевидение, радио, почта, телеграф, интернет тармоғининг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш учун малакали кадрлар тайёрлаш, соҳани ислоҳ қилиш ва модернизациялаш каби масалаларни чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориш талаб этилади.

O`zLiDeP бугун жамиятимиз ҳаётида етакчи сиёсий кучлардан бирига айланганлиги оддий ҳақиқатдир. Тўғри, ишимизда камчиликлар ҳам оз эмас. Ишламаган одамгина хато қилмайди. Аммо бу хотиржамлик учун асос бўлмаслиги керак. Бинобарин, ўз фаолиятимизга нисбатан танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, партиявий-сиёсий жараёнларни чуқурлаштириш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланишимиз лозим. Зиммамиздаги юксак партиявий бурч ана шуни тақозо этади.

Бердиёр ЖАББОРОВ 1948 йилда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилган. Тошкент Давлат университети (ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ҳозирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида юрист-маслаҳатчи вазифасида хизмат қилади. Айни пайтда бошланғич партия ташкилоти раиси.

Фаолият жонлантирилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Навбаҳор туман кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда O`zLiDeP туман кенгашининг 2005 йилги фаолияти ва галдаги режалари атрофлича муҳокама қилинади.

■ Олим ХЎЖАЕВ

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан партия туман кенгаши аъзоси, Навбаҳор тумани ҳокими, туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлар гуруҳи раҳбари Мэлс Раҳматов сўзга чиқди.

Шундан сўнг партия туман кенгаши раиси Жамшид Ҳамроев маърузаси тингланди. Нотиқ партия фаоллари эътиборини ҳисобот даврида туманда O`zLiDeP ғоялари ва дастури мақсадларини тарғиб этиш ҳамда рўёбга чиқаришда муайян ижобий натижаларга эришилганлигини қайд этиш билан бирга мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлигига қаратди. Жумладан, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида изчилликни таъминлаш, аъзолик бадалларини муддатида тўлаш каби масалаларда сусткашликка йўл қўйилганини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда, сўзга чиққан фаоллар, шунингдек, барча бошланғич партия ташкилотлари учун алоҳида хона ажратиш, уларни зарур оргтехника ҳамда тарғибот-ташвиқот воситалари билан таъминлаш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш баҳс-мунозараларга бой, ўз-ўзини танқид қилиш асосида ўтди. Унда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Худди шундай йиғилишлар вилоятнинг барча туман ва шаҳар кенгашларида ҳам бўлиб ўтди.

Бухорода Акмал Ориповни кўпчилик яхши танийди. Бунинг боиси бор. Қаҳрамонимиз спортнинг муай-тай тури бўйича вилоятдаги кўзга кўринган мутахассислардан бири, бош мураббий ҳисобланади.

Спортчи ва тадбиркор

партиявий ишда ҳам ибрат кўрсатмоқда

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Акмалжоннинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти ҳам ҳавас қилса арзигуликдир. Бухоро шаҳридаги унга қарашли "Афзал Саидзода" фирмасида ишлаб чиқарилаётган спорт кийимлари хорижникидан қолишмайди. Икки йилдирки, O`zLiDeP фаолларидан бири сифатида оммавий-сиёсий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

— Юртбошимиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор бериб келмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. Зеро, ҳар қандай мамлакат довруғини оширишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Ўтган салкам 15 йил давомида халқаро мусобақаларда мустақил Ўзбекистон байроғи неча бор кўтарилиб, юртимиз мадҳияси неча марта янграганини ҳисоблаб кўрмаганмисиз? Йўқ, албатта. Бу ёқимли манзарани кузатиб, қалбида чексиз ғурур ва ифтихор ҳисларини туймаган киши бўлмаса керак. O`zLiDeP аъзоси, муай-тай устаси Курбонмурод Курбонов "Шуҳрат" медали билан тақдирланганида, барчамиз қанчалик қувонган эдик...

Акмал Орипов 1963 йилда туғилган. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини тамомлаган. "Афзал Саидзода" фирмасининг раҳбари. Вилоят Муай-тай федерациясининг бош мураббийси, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси

Мулоқот давомида Акмал Орипов федерация қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ўз атрофига Мақсуд Авазов, Асад Ҳолиқов каби мамлакат чемпионлари, Эркин Жўраев, Шуҳрат Казаков сингари кўзга кўринган спорт усталарини жипслаштирганлигини фахр билан гапириб берди.

— Айни пайтда аъзоларимиз сони 24 нафарга етди, — дейди у. — Бу ҳали охирги чегара эмас. Орзуниятлар кўп. Энг муҳими, йигитларимиз спорт соҳасидаги фаолиятни партиявий-сиёсий ишлар билан қўшиб олиб бормоқдалар. Ҳафтасига бир марта бошланғич ташкилот йиғилишини ўтказиб, унда энг муҳим масалаларни муҳокама қиламиз. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ислоҳотлар жараёни, шунингдек, O`zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятига оид янгиликлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Шунингдек, вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган ўқув машғулотлари, турли учрашув ва давра суҳбатлари бошланғич ташкилот раислари сиёсий онгини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштиришда жуда қўл келаяпти. Бундай тадбирларда депутатлар, олимлар, турли соҳа мутахассисларининг иштирок этишаётгани эътиборга моликдир.

Дарҳақиқат, бошланғич ташкилот ташаббуси билан вилоятда болалар спортини янада оммалаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Бухоро шаҳрида 60 нафардан зиёд ўсмир спортнинг ушбу тури билан шуғулланишаяпти. Фаолларнинг саъй-ҳаракати билан вилоят марказидан олисда жойлашган Қоракўл ва Олот туманларида ҳам муай-тай секциялари ташкил этилгани айни муддао бўлди. Ҳозирги кунда бу жойларда кўплаб қишлоқ ёшлари ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

— Айни пайтда, — дейди А. Орипов. — 10 нафар ишчи-хизматчи асосан спорт кийимлари тикиш билан шуғулланишади. Уларнинг 8 нафари партиядошларимиздир. Йил бошида бўлиб ўтган йиғилишда шаҳардаги кам таъминланган 20 та оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатишга қарор қилинган эди. Шунингдек, мазкур хонадонларда истиқомат қилувчи ёшларга спорт кийимлари тикиб беришни ҳам ўз зиммамизга олганмиз.

Спортчилар одатда камгап бўлишади. Жумладан, Акмал ҳам. Бошланғич ташкилот томонидан амалга оширилаётган бошқа ибратли ишлар ҳақида O`zLiDeP шаҳар кенгашида гапириб беришди. Шуларни ақл тарозисидан ўтказарканмиз, спорт билан сиёсат инсоннинг ғоявий ва жисмоний камолоти йўлида ҳал қилувчи ўрин тутишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Сиёсий етуклик, ташаббускорлик

бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида асосий мезонга айланиши лозим

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган энг кенжа сиёсий партия — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сафлари тобора мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги пайтда жойларда партиянинг 7 мингдан зиёд, биргина Тошкент шаҳрида 896 та таянч бўғинлари фаолият олиб бораяпти. Улар уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан иш юритиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, партия ғояларини кенг тарғиб этиш йўлида ибрат бўлишмоқда. Мақсад аниқ: сиёсий билимларини ошириш, жамиятда либерал ғояларни тарғиб-ташвиқ этиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшишдир.

■ Дониёр КАМОЛ, Носир ТОШЕВ ёзиб олди

Партиявий-сиёсий ишларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотларга боғлиқ, албатта. Шу жиҳатдан олиб қараганда, шаҳримиздаги бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини қандай баҳолаш мумкин? Улар фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми? Бошланғич ташкилотларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш учун яна нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим?

O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида ана шу каби саволлар атрофида фикр-мулоҳаза юритилди.

Унда партия шаҳар кенгаши масъул ходимлари, бошланғич партия ташкилоти раислари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши масъул ходими Гулчеҳра Хабибулина очиб, тўпланганлар эътиборини кун тартибидаги асосий масалаларга қаратди.

— Бошланғич ташкилотлар партиянинг ҳал қилувчи бўғинидир, — деди жумладан Г. Хабибулина. — O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини аҳоли онгига етказиш, белгиланган дастурий вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, партия сафларини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш борасида бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ва фаоллари зиммасига катта масъулият юклатилган.

Бугунги кунда шаҳримиздаги 896 та корхона ва муассаса, жумладан, 300 дан ортиқ маҳаллада бошланғич партия ташкилотлари тузилган бўлиб, улар ўз атрофига 20 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Тўғри, ютуқлар бор. Лекин "Беш қўл баробар эмас", деганларидек, ҳамма жойда ҳам иш силлиқ кечаётгани йўқ. Айрим етакчиларда зарур тажриба, сиёсий кўникма, фаоллик ва ташаббускорлик етишмаяпти. Шу мақсадда кенгаш қошида бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, фаоллари учун семинар машғулотларини йўлга қўйганмиз. Ушбу тадбирни яқин кунларда жойларда сайёр тарзда ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Сир эмас, бошланғич партия ташкилотлари учун зарур қўлланмалар етишмаяпти, борлари ҳам хона билан таъминланмаган. Ана шу масалалар хусусида жиддийроқ ўйлаб кўришимиз, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим.

Шундан сўнг давра суҳбати иштирокчилари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳалари билан ўртоқлашдилар.

Севара ҲУСАНОВА, М. Улуғбек туманидаги 36-оилавий поликлиника мудири муовини, бошланғич партия ташкилотининг раиси:

— Дастлаб 35 нафар аъзо билан иш бошлаганмиз. Бугунги кунга келиб, улар сони 55 нафарга етди. Ташкилотимиз учун алоҳида хона ажратилган, у зарур қўлланмалар билан таъминланган.

Иш режамизда ғоявий-сиёсий масалаларга кенг ўрин ажратилган. Шу кунгача жойларда ўндан ортиқ тадбир ўтказилди. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да тиббий хизмат маданиятини янада ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга имтиёзли ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, болалигидан ногирон беморлар поликлиника ҳисобидан бепул даволанаяпти.

Ҳудудимизда 51 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Малакали шифокорлар уларнинг саломатлиги йўлида сафарбар. Жойларда бўлганимизда партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилаяпмиз. Шу боис сафларимиз кенгайиб бормоқда.

Тўғри, O`zLiDePнинг жамиятдаги нуфузини ошириш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз керак. Фикримча, бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашинувини йўлга қўйиш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч бўлмаганда ойда бир марта жойларга чиқиб, партиявий соҳадаги ишлар билан танишайлик, ўзаро фикрлашайлик, бир-биримизга ёрдам берайлик. Бу келгусидаги фаолиятимизни йўлга қўйишда ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Лутфулла ЙЎЛДОШЕВ, Чилонзор туманидаги "Комтек" фирмаси O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси:

— Бугунги кунда барчамиз партия бизга нима берди, деб эмас, балки партия аъзоси сифатида жамиятга қандай наф келтираяпмиз, деган ўй-хаёл билан яшашимиз лозим. Рўй-рост гапирадиган бўлсак, ҳали кўплаб бошланғич ташкилотлар фаолиятида жанговарлик, масъуллик етишмайди. Номигагина иш олиб бораётганлари ҳам йўқ эмас. Тўғри, партиямиз ҳали ёш, одамлар орасига эндигина кириб бораяпти. Биз унинг таянч бўғини, қон томири эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Зеро O`zLiDePнинг жамиятдаги нуфузи,обрў-эътиборини ошириш ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ бўлган масаладир.

Ҳар бир бошланғич ташкилот қошида партия бурчакларини ташкил қилиш керак. Токи уларда илғор БПТлар фаолияти, иш тажрибаси ўз аксини топсин. Қолаверса, ўтказиладиган йиғилишларга депутатларни кенг жалб этиш, уларнинг фикрини ўрганиш ҳам фойдадан холи эмас, деб ўйлайман.

Нигора МАВЛОНОВА, С. Раҳимов туманидаги "Умида сана" МЧЖ бошланғич партия ташкилотининг раиси:

— Аҳоли кенг қатлами ўртасида O`zLiDePга бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда. Жумладан, ташкилотимизда 16 нафар аъзо ҳисобда туради. Уларнинг ҳаммаси хотин-қизлар бўлиб, ўз соҳасининг етук мутахассисларидир.

Бошланғич ташкилот хонаси талаб даражасида жиҳозланган, бу ерда партия ишини йўлга қўйишга оид ҳужжатлар, сиёсий адабиётлар етарли. Аъзолик бадаллари ўз вақтида тўлаб борилади.

Мен партия етакчисининг маънавий қиёфаси ҳақида кўп ўйлайман. Зеро, бошланғич ташкилотнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аъзолар ишонч билдирган раисга боғлиқ. Назаримда, бугунги етакчи ғоявий етук, ахлоқан пок инсон бўлмоғи лозим. Шу боисдан машғулотлар давомида сиёсий маданият, ғоявий тарбия масалаларига жиддий эътибор қаратилади.

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали йўлга қўйишда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Зотан аҳоли ўртасида жонли мулоқотлар қанчалик кўп бўлса, партиямизнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий нуфузи шунчалик ортаверади.

София ЯКУБОВА, Ҳамза тумани маданият ишлари бўлими бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Билим даргоҳимизда 250 нафар иқтидорли талабалар ўзбек миллий, анъанавий ҳамда классик чолғу асбоблари, тасвирий санъат ҳамда хореография сир-асрорларини ўрганишаяпти. Машғулотлар давомида миллий урф-одатлар, қадриятлар, бой маънавий меросимиз асосларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ташкилотимиз бўйича 12 нафар O`zLiDeP аъзоси ҳисобда туради. Улар ёрдамида партия ғояларини аҳоли онгига сингдириш, шунингдек, муҳим устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Фикримча, O`zLiDeP шаҳар кенгаши қошидаги сиёсий ўқув маркази фаолиятини янада кучайтириш, машғулотларда нафақат ташкилот раислари, иложи бўлса, оддий аъзоларнинг ҳам фаол иштирокини таъминлаш зарур, деб ўйлайман. Ана шунда уларда масъуллик туйғуси кучаяди, келажакка нисбатан ишонч ортади.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** мана, асосий гаплар айтиб бўлинди. Хулоса шуки, партиянинг таянч бўғинлари — бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, уларнинг жанговарлигини ошириш, ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш айни кундаги энг долзарб вазифалардан биридир. Тўғри, жойларда бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилаяпти. Аммо улардан тўла қониқиш ҳосил қилиш қийин. Негаки, айрим бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ҳамон ўзибўларчилик, юзакичилик ҳолларига йўл қўйилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Давра суҳбати иштирокчилари ҳам ўз чиқишларида буни алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бинобарин, партиявий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш, аҳоли кенг қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, бошланғич партия ташкилотлари сафини ғоявий етук, изланувчан кишилар ҳисобига кенгайтириш диққат марказида бўлиши лозим. Зеро, давр билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш ҳар бир партия аъзосининг муҳим сиёсий бурчидир.*

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурида: «Партия аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, песионерлар, айниқса ногиронларни аниқ йўналтирилган ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалий тизимини шакллантиришни сиёсий фаолиятининг бош вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Партия ногиронлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли фуқаролари, деб ҳисоблайдиган зарур шарт-шароитлар яратишга интилади", дейилади.

Энг аввало ўз кучимизга ишонайлик

шундагина омманинг ишончини қозона оламиз

■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

— Бу, биз — партия фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Бинобарин, O`zLiDePнинг стратегик мақсадларини амалга ошириш йўлида қатъият билан иш олиб бормоғимиз лозим, — дейди Нодирбек Иброҳимов. — Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, пенсионер ҳамда ногиронларга нисбатан ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш биринчи галдаги бурчимиздир.

Дарҳақиқат, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қошидаги бошланғич ташкилот ўз фаолиятини давр талаблари даражасида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмоқда. Мавлонжон Шокиров, Қобилжон Комилов, Шавкатжон Мамаев, Қаҳрамон Раҳмонов каби фаоллар партия ғояларини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни кучайтириш йўлида бошқаларга ибрат бўлишаётир.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида аниқ режалар белгиланган бўлиб, айни кунда улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Масалан, 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида ҳомийлар ҳисобидан кўп фарзандли, ёрдамга муҳтож 436 та оилага бир бошдан қорамол берилди. Бунинг учун 162 миллион сўм маблағ сарфланди. Ёлғиз фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларнинг хонадонларини таъмирлаш учун 1 миллион 317,6 минг сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, аҳоли турли табақаларини моддий қўллаб-қувватлаш учун турли манбалар ҳисобидан 30 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди.

8 Март, Наврўз байрамлари муносабати билан "Қўқон спирт заводи", "Яйпан пахтани қайта ишлаш" корхонаси, "Умид" фермер хўжалиги, "Фарғона ёғ-мой" очиқ акциядорлик жамияти каби ҳомий ташкилотлар "Саховат" ҳамда "Мурувват" уйларида яшовчилар учун байрам дастурхонларини ташкил қилиб, улар кўнглини хушнуд этдилар.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик миллатимизга хос меҳр-оқибатдан, аждодлар анъанаси изчил давом этаётганлигидан далолат беради. Ўтган икки ой мобайнида партия ташкилотларининг бевосита ёрдами ва саъй-ҳаракати билан 306 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар Олтиариқ, Косонсой, Товоқсой сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклаб қайтдилар. Шунингдек, 3082 нафар ёлғиз нафақахўр ҳамда ногиронлар тиббий диспансер кўригидан ўтказилди, уларни махсус аравачалар, қўлтиқтаёқ ҳамда эшитиш мосламалари билан таъминлаш учун 11,1 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Партиявий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлиги ва жанговарлигини ошириш O`zLiDeP шаҳар ва вилоят кенгашлари олдида турган энг муҳим масалалардан биридир, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаолиятига боғлиқ, албатта. Зеро, улар омма билан яқин ҳамкорликда иш олиб борадиган етакчи бўғиндир. Очиғи, бугунги кунда ўз фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қилаётганимиз йўқ. Қолаверса, туман кенгашларида сиёсий адабиётлар етишмаяпти. "XXI asr" газетаси саҳифаларида эса бошланғич ташкилотлар ишини йўлга қўйиш, улар фаолиятини янада жонлантиришга оид назарий мақолалар тез-тез чоп этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нодирбек Иброҳимов 1977 йилда Фарғона туманининг Оқбилол қишлоғида туғилган. Тошкент ҳуқуқшунослик техникумини тамомлаган. Фарғона вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси умумий бўлим бошлиғи, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Ўтган сайловлар давомида халқимиз O`zLiDeP вакилларига катта ишонч билдирди. Уни тўла оқлашимиз лозим. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда барча даражадаги маҳаллий кенгашларда энг кўп ўринга эгамиз. Бу, шубҳасиз, зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Демак, омма билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, партиявий-сиёсий ишларнинг кўламини кенгайтириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим. Зеро, ҳаёт билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлган партиягина ўз мақсадларига эриша олади.

Партия ёшлар учун сабот билан, босқичма-босқич ижтимоий кўтаринкилик муҳитини яратишга ва уларнинг ижтимоий-сиёсий истиқболини белгилаб беришга ўз кучини сарф этади.

Аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширмасдан туриб, фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Онгли ва фаол инсонгина барча қийинчиликларни енгиб, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

O`zLiDeP дастуридан.

Илова учун масъул: Дониёр КАМОЛОВ

Қачон тоза ва равон гапирамиз?

Ёки баъзи тележурналист ва бошловчиларнинг нутқ маданияти хусусида

Нутқ маданияти хақида сўз бораркан, энг аввало, ахборот асри дея аталаётган XXI асрга келиб, жамият қиёфаси, маънавий салоҳияти маълум маънода оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение ва радиодаги кўрсатув ҳамда эшиттиришларга ҳам боғлиқ, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Чунки ҳозирги пайтда энг катта аудиторияга ОАВнинг мана шу икки тури эга бўлиб қолмоқда. Илгари кўпчилик ўз нутқини бадиий китоблар, турли ўқув қўлланмалари орқали ривожлантирган бўлса, техника асрига келиб, бу борада телевидение ва радио олдинга чиқиб олди. Бас, шундай экан, эшиттириш ҳамда кўрсатувларнинг тили ҳар томонлама тоза ва пишиқ, адабий тил меъёрларига мос келиши шартлиги янада яққолроқ намоён бўлади. Хўш, бугунги кунда мамлакатимиз тележурналист ва бошловчилари ўзбек тили, адабий нутқ меъёрларига қай даражада амал қилмоқдалар? Мазкур масалага ойдинлик киритиш мақсадида узоқ йиллар айнан шу соҳада тадқиқот ўтказиб келаётган олимларимизга мурожаат этдик.

■ Сайёра ТУРҒУНБОЕВА, Тўлкин МАҲМУДОВ

Венера ҚАЮМОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети "ОАВ тили ва услуби" кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент:

— Ҳамма замонларда ҳам ўз фикрини аниқ, равон ҳамда чиройли айта олган кишилар қадрланган, ҳурмат билан тилга олинган. Шу тариқа асрлар давомида тил ва нутқ меъёрлари шаклланиб, бир маромга келган. Бугун эса она тилимизнинг софлигини сақлаб қолиш, уни келажак авлодларга бекаму кўст етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бунда, албатта, телевидениенинг ўрни алоҳида эканини таъкидлаш жоиз. Бироқ, кейинги пайтларда эфирга узатилаётган айрим кўрсатувларда соҳа вакиллари адабий нутқ меъёрларига амал қилмаяптилар. Яқинда кафедрамиз ўқитувчилари ва талабалар билан биргаликда телевидение кўрсатувларини кузатиб, таҳлил қилдик. Натижада айрим тележурналистлар ва бошловчилар шева-лаҳжада гапиришлари, ўзбек тилида муқобили мавжуд сўзлар ўрнига бошқа тиллардаги сўзлардан фойдаланишлари, шунингдек, талаффузда хато ва камчиликларга йўл қўйишаётгани маълум бўлди. Афсуски, бундай хатолар фақат кўнгилочар кўрсатувлардагина бўлиб қолмай, ахборот кўрсатувларида ҳам кўп учрамоқда. Жумладан, вилоятлардан берилаётган репортажларда мухбирларнинг шевага берилишлари қаттиқ сезилиб қолмоқда. Бундай ҳолат кўпроқ Хоразм, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мухбирлари фаолиятида кузатилмоқда. Журналист маълум маънода тилшунос ҳамдир. Шундай экан, у адабий тил меъёрларини мукаммал билиши, фикрини қисқа, тўғри ва равон ифодалай олиши учун ўз нутқи, тили ва ахборот етказиш услуби устида тинмай ишлаши лозим.

Сайди УМИРОВ, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети "Телевизуал журналистика" кафедраси мудири, доцент:

— Умуман олганда, оммавий ахборот воситаларида ишлаш журналистдан катта масъулият, мукаммал билим, шунингдек, яхшигина дид ҳам талаб этади. Биз, журналистлар, нимаики ёзмайлик, нимаики гапирмайлик, тилимизга нисбатан заррача эътиборсизлигимизни ўқувчи, тингловчи, томошабин ўз назаридан четда қолдирмайди. Тўғри, матбуот, радио, телевидение, қўйинг-ки, ҳатто интернетнинг ўзига хос тили ва услуби бор. Аммо тилдаги бундай хусусиятлар айнан адабий нутқ меъёрлари тизимларидан келиб чиққан ҳолда бўлиши лозим. Шунга қарамай, бугунги кунда айрим журналист биродарларимиз тил меъёрларига умуман риоя қилмай қўйишди. Она тилимизни соф ҳолда асраб қолиш учун барчамиз чуқур масъулиятни сезиб ҳаракат қилмоғимиз, тил меъёрлари бузилган жойда, керак бўлса, бонг уриб, юзхотирга бормай, камчиликларни тузатмоғимиз лозим. Шу ўринда юртимизнинг илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган тилшунос олимларимиздан ҳам андак гинамиз бор. Улар монографиялар, жиддий мақолалар ёзиш баробарида тил меъёрларининг бузилишини бартараф этиш борасида ҳам изланишлар олиб борсалар, чакки бўлмасди.

Юсуф ХАМДАМОВ, ЎзМУ "Теле ва радио журналистика" кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент:

— Жуда катта аудиториянинг диққат марказида турадиган тележурналист ва бошловчи ҳаммага бирдай тушунарли тилда сўзлашга мажбур. Шахсан ўзим журналистларимизнинг имкон қадар адабий тил меъёридан чиқмаган ҳолда сўзлашларини истайман. Бироқ гоҳида ҳам телетомошабин, ҳам мутахассис сифатида айнан тележурналист ва бошловчилар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни кўриб, кўнглим ранжийди. Айниқса, кўнгилочар кўрсатувларда бошловчиларнинг ҳаддан ташқари "эркинлашиб" кетиб адабий тил меъёрлари ҳамда журналистика этикасига риоя қилмасликлари оқибатида кўрсатув бачканалашиб, ўзининг маъно-мазмунини, қадрини йўқотиб қўяётганидан кўз юмиб бўлмайди. Мутахассис сифатида тил меъёрларига риоя қилмаётган, қолаверса, журналистика касби сир-синоатини пухта эгалламаган айрим бошловчилар экранда бемалол "жавлон уришаётгани"ни қандай изоҳлаш мумкин? Телевидение ёки радио раҳбарлари бунга қандай йўл қўйишаётганига ҳайрон қоласан, холос. Шу ўринда, беназир ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчига нисбатан жазо чоралари кўрилганидек, тил меъёрларига риоя қилмаган кишиларга ҳам огоҳлантириш берилса, тўғри бўларди.

Дилфуза ТЕШАБОЕВА, филология фанлари номзоди, доцент.

— "Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти" мавзуида илмий изланишлар олиб бориш жараёнида кўрсатувларни жуда кўп кузатдим. Ниҳоят, шунга амин бўлдимки, телевидениемизда ўзига хос хусусиятлар, ўрнак бўладиган жиҳатлар кўп, аммо эфирга берилаётган айрим кўрсатувларнинг савияси оммада ижод аҳлига бўлган эътибор ва ишончни сўндирмоқда. Тилшунос сифатида шуни алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, бугун ОАВда айрим журналистларимиз томонидан тилга нисбатан ҳурматсизлик қилинаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Баъзан "Ахборот", "Давр" дастурларида вилоят мухбирларининг шевада гапиришлари, нутқдаги ноаниқликлар, сўзни тўғри талаффуз қилмаслик ҳолатлари камайиш ўрнига, аксинча, кўпайиб кетмоқда. Масалан, Сирдарёдан берилаётган репортажда инвестиция сўзи инвесиссия, корхона сўзи кархона, дея нотўғри талаффуз этилди. Пирмат Шермуҳаммедов Шарқшунослик институтидан тайёрлаган репортажида бир неча бор "нинг" қўшимчасини нотўғри талаффуз қилди, ушбу (ўшбў), мустақиллик (мустақиллиқ) сўзларида ҳам хатога йўл қўйди. Шу ўринда телевидениеда тобора чуқур илдиз отиб бораётган бир қатор кўнгилочар кўрсатувларда бошловчиларнинг фақат шевада гапиришларига эътиборни қаратмоқчи эдим. Масалан, 30-каналда "Хит-парад плюс", «Шоу бизнес янгиликлари», «Шов-шувлар» кўрсатувларида бошловчилар кўпроқ Тошкент шевасида сўзлайдилар. Масалан, "Ушбу қўшиқ хит-парадимизага кириб келдила, томошо қиламиза" ("Хит-парад плюс"), "Бу мафтункор икки қизнинг севган инсонлигиси борми?" ("Хит учрашув"), "Концерт вообще зўр бўлдиде", ("Шоу бизнес янгиликлари") ва бошқалар.

Тележурналист ҳам грамматик, ҳам эстетик жиҳатдан мукаммал ишланган саволлар билан респондентга мурожаат қилиши лозим. Шу ўринда бир мисол келтирсам. "Кутилмаган меҳмон" кўрсатуви бошловчиси (Юлдуз Орипова - таҳр!) тўққиз яшар болага: "Сиз опангизга куясизми?" деган савол билан мурожаат қилаяпти. Ёш болага тўғридан-тўғри бундай савол бериш кулгили эмасми? Демоқчимизки, ҳар бир журналист ёки бошловчи ўз нутқи, тили, услуби устида доимий равишда ишласа, юқорида айтиб ўтилган камчиликларга барҳам берилган бўлар эди. Бундан ташқари, соҳа вакили маълум маънода инсон руҳиятини яхши билиш орқалигина ўзига керакли ахборотга эга бўлиши мумкинлигини, ниҳоят, англаб етиши шарт.

ОҒРИҚ НУҚТА

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан кўриниб турибдики, адабий тил меъёрларига риоя қилиш ҳамда аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бойлигимизни кейинги авлодларга софлигича етказишимизда телевидениенинг ўрни беқиёс. Ана шу масъулиятли мақсаддан келиб чиққан ҳолда юқорида фикр билдирган мутахассисларнинг таклиф ва эътирозларига бир оз қўшимча қилишни лозим топдик.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айни пайтда телерадиокомпаниямиз раҳбарияти томонидан кенг кўламли хайрли ишлар олиб борилмоқда. Кўрсатувлар мазмуни, эшиттиришлар сифати ижобий томонга ўзгараяпти. Қатор студиялар замонавий қиёфага эга бўлаётир.

Аммо нур борки, соя бор, деганларидек, айрим кўрсатув ва эшиттиришлар ҳали-ҳануз томошабин ва тингловчилар талаблари даражасида эмаслигидан кўз юмиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" телерадиоканалларининг аксарият кўрсатувларида бошловчиларнинг асосан шевада гапиришаётгани ачинарлигина эмас, балки томошабинга нисбатан ҳурматсизлик ҳамдир. Мана бир мисол.

Ўтган йиллар давомида "Гап чиқди" кўрсатуви узлуксиз эфирга узатиб борилди ва томошабинларнинг қизиқишларига сабаб бўлди. Бироқ кўрсатув муаллифи Нодиржон Жонузоқовнинг шевада гапириши кишининг ғашини келтириб турар эди. Яқиндан буён эса ҳамкасбимиз "Йиллар армони" кўрсатувига бошловчилик қилмоқда. Агар у ўз нутқи давомида тил тўғрисидаги тамойилларга тўла амал қилса, бизнингча, кўрсатувлари янада оммалашган бўларди. Фикру ожизимизча, тилимизга умуман эътиборсиз равишда тайёрланган айрим спорт кўрсатувлари бошловчиси Элдор Мустафоев нафақат адабий тил меъёрларига, балки оғзаки нутқ, оддий сўзлашув амалларига ҳам риоя қилмаётгани, ҳаттоки, спортчиларнинг исм-шарифларини ҳам нотўғри талаффуз қилаётгани эса тааж-жубланарли, ҳолдир.

Малакали тележурналистларнинг таъкидлашларича, кўрсатувларнинг юқори савиясини қуйидаги уч ҳолат белгилайди: биринчидан, кўрсатувда муҳокама қилинаётган мавзунинг муҳимлиги. Иккинчидан, бошловчи ва кўрсатув иштирокчиларининг мавзуни қай даражада таҳлил ва талқин этишлари ва учинчидан, бошловчининг саводи, билими ва маданияти. Мана шу уч ҳолатга мос келмайдиган ҳар қандай кўрсатув бугунги замон талабига жавоб беролмайди, дейиш мумкин.

Кўпгина замондошларимиз спорт дастурларини мароқ билан кузатишлари шубҳасиз. Айниқса, футбол шарҳловчимиз Ахбор Имомхўжаевдек йирик мутахассисларнинг шарҳлари томошабиннинг қизиқишига, ҳаяжонланишига сабаб бўлади. Бироқ аксарият "уста кўрмаган" шарҳловчиларнинг ўз вазифаларига эътиборсизлиги, беписандлиги томошабиннинг руҳий эътиборини уйғотибгина қолмай, шундоқ ҳам эговланаётган асабларини баттар "эговлайди". Уларнинг "супер", "рикошет", "иблис", "ёввойи" каби ўнлаб сўзлари очиқдан-очиқ тилимизнинг қашшоқлашувига, ҳақоратланишига олиб келмоқда, холос.

Бу эса спорт шарҳловчиларининг тили чархланмаганини кўрсатади. "Тўп майдонни тарк этди" ёки "... дарвозага киришни истамади", "Голга муаллифлик қилди", "Иккинчи қаватда бўш ўйин кўрсатишмоқда", "Зарбани қабул қилиб олди", "Сариқ карточка билан сийланди" каби мантиққа зид жумла ва иборалар томошабинларнинг ғашини келтираяпти, холос.

Ана энди ҳақли бир савол туғилади: нима учун бизда Николай Озеров, Владимир Перетурин, Котэ Махарадзе сингари шарҳловчилар етишиб чиқмаяпти? Нега энди ўзбек миллий шарҳловчилигининг ҳеч бўлмаса бор бўлган имкониятларидан, услубларидан фойдаланилмаяпти? Радио ва телевидение мутасаддилари шу хусусида жиддий ўйлаб кўришлари учун ҳали ҳам имконият бор, деб ўйлаймиз. Бу борада эса ўзбек сухандонлигининг йирик намояндалари Ўктам Жобиров, Даврон Зуннунов, Насиба Қамбарованинг, кейин эса элимиз суйган ва қадрлаган Мирзоҳид Раҳимов, Фарҳод Бобожонов, Раҳматилла Мирзаев, Дилором Умарова, Абдумўмин Ўтбосаров, Муслим Йўлдошевдек забардаст сухандонларимизнинг тажрибалари, сўзлаш, ўз фикрини аниқ-тиниқ етказиш услубларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш ўринли, деб ўйлаймиз. "Таҳлилнома" кўрсатуви бошловчилари Наврўз Ризаев, Комилжон Шамсиддинов ёки информацион кўрсатувлардаги Севара Турсунова, "Ёшлар" телерадиоканалининг Нозимжон Мўминов, Собир Турдиев, Нодира Турсунова, Элмира Раҳматуллаева сингари тили равон, нутқи тоза журналист ва мухбирларининг фаолияти хусусида илиқ фикрлар айтиш мумкин. Аммо шундай бошловчиларимиз борки, улар мисқоллаб йиғилаётган ТВ обрўсини арзон-гаровга улашаётгандек туюлади. Мана бир мисол. Яқиндан бошлаб эфирга узатилаётган "Олтин ошхона" кўрсатуви бошловчиси Козимжон Қаюмовнинг шевада кўрсатув олиб боришига эътибор берайлик. Албатта санъаткоримизнинг вақт топиб ушбу кўрсатувни тайёрлаётганига ҳар қанча тасаннолар айтиш лозим. Тушунишимизча, "Олтин ошхона" шоу-кўрсатув бўлгани учун ҳам бошловчи балки тилга бемалолроқ, эркинроқ ёндашар, аммо бу нутқдаги нуқсонларни оқлаш мумкин, дегани эмас-ку!

Гап телекўрсатувларнинг тили ҳақида кетар экан, шуни англаш лозимки, телевидениеда шева ҳамда жаргонлардан фойдаланса бўладиган ва фойдаланиш мутлақо ноўрин бўлган кўрсатувлар тематикаси мавжуд. Масалан, ҳажвий кўрсатувлар пайтида бошловчи ҳам, қатнашчилар ҳам адабий тил меъёрларига амал қилмасалар, томошабин бу ҳолатни табиий қабул қилади. Бунга мисол қилиб "Ҳандалак"ни олиш мумкин. Ортиқ Султонов билан Зокир Очилдиевнинг бачкана, ниҳоятда саёз, қитиқлаб ҳам кулдира олмайдиган чиқишларига ҳам чидаяпмиз-ку, ахир.

"Қаҳқаҳа" ҳажвий кўрсатуви ижодкорлари "фаолияти" хусусида эса умуман гапирмаса ҳам бўлади. Ана шундай бир пайтда эса «Заковат», «Оддий ҳақиқатлар», «Давр А », «Бир ўлкаки», «Меҳр кўзда» «Азизим», «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» кўрсатувлари ижодкорларидан намуна олсак, ўринли бўлармиди, дегинг келади.

Қиссадан ҳисса деганларидек, ушбу фикр ва мулоҳазаларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишдан мақсадимиз — миллий ОАВ нинг юзи, обрў ва эътибори бўлган олий даргоҳ —телевидениедаги кўрсатувларимиз ҳар томонлама мукаммал бўлишини истаганимизда. Чунки гўзал ва мафтункор тилимиз бор экан, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланайлик.

ТАҲРИРИЯТ

АДОЛАТ ҳаёт учун сув ва ҳаво сингари керакли неъматдир

XXI_ASR@yahoo.com

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

Можаронинг сабабчиси ким?

Ёхуд танлов ўтказишнинг оҳангаронча усули хусусида

2006 йил мамлакатимизда том маънода қишлоқ мулкдорлари йили бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда жорий йилнинг 9 январида қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга биноан юртимизда кўплаб янги фермер хўжаликлари юзага келди.

■ **Акром БЕРДИМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири**

Тегишли қонунлар ва улар асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ, аксарият экин майдонлари ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Аммо ушбу жараёнда баъзи ноҳақликларга ҳам йўл қўйилдики, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Чунки давлат аҳамиятига молик муҳим тадбирни ўтказиш жараёнида жойлардаги айрим раҳбарлар ўз зиммаларига юклатилган масъулиятни етарли даражада ҳис этмадилар. Натижада экиш мавсуми эшик қоқиб турган айни дамларда ноҳақликка учраган деҳқонлар идорама-идора нажот излаб юришибди. Буни таҳририятимизга келаётган шикоят хатлари ҳам тасдиқлаб турибди. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидан йўлланган аризалар шулар жумласидандир.

"Бирлик" ширкати тумандаги энг йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бироқ сўнгги йилларда унинг иқтисодий аҳволи орқага кетиб, давлат бюджети, турли идора ва ташкилотлар олдидаги қарздорлик даражаси ошди. Шу боис мазкур хўжаликни фермер хўжаликларига айлантириш мақсадида мавжуд 1412 гектарлик ер майдони бўйича 38 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Ташкил этилган танловларда 145 нафар талабгор иштирок этди. Ҳар бир лойиҳага ўртача 4 нафар номзод тўғри келди. Танлов якунларига кўра 35 талабгор ғолиб, деб топилди. Учта лойиҳа бўйича ўтказилган танлов турли тортишув, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, ажратилган ер майдонлари ҳамон ўз эгасини топгани йўқ.

Хўш, нега шундай бўлди?

— Мен ўтказилган тендер натижаларидан мутлақо норозиман, — дейди бизга шикоят йўллаган собиқ "Бирлик" ширкат хўжалиги аъзоси, тендер қатнашчиси Саодат Абдураззоқова. — Чунки танловда адолатсизликларга йўл қўйилди. Тендер комиссияси раиси Олимжон Мунавваров ва унинг котиби Улуғбек Кулбоев 4-6 март кунлари 5 нафар жамоатчилик кенгаши ва 15 нафар комиссия аъзоси билан биргаликда тендер иштирокчилари ўртасида савол-жавоб ўтказиб, уларнинг ҳар бирига жавобларига яраша бал қўйиб чиқишди. 9 март куни эрталаб тендер ғолиблари рўйхатини ширкат хўжалиги идораси эшигига осиб, ўзлари ғойиб бўлишибди. 40 гектарлик 31-лойиҳа бўйича Дилфуза Бакирова ғолиб, деб топилибди. Бундай ноҳақликдан норози бўлиб, комиссия раиси Олимжон Мунавваров билан учрашмоқчи бўлдим. Роса беш кун деганда зўрға топиб, ўз эътирозимни билдирдим. Бироқ ундан "қаерга шикоят қилсанг қилавер", деган терс жавобни эшитдим. Гап шундаки, 22 февраль, яъни танлов ҳужжатларини топширишнинг сўнгги куни вилоят адлия бошқармасидан келган вакил комиссияга топширилган ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечириб, Д. Бакированинг молмулки тўғрисидаги ҳужжат думалоқ муҳр билан тасдиқланмагани боис уни қайтарганди. Тегишли Низомга кўра у танловда иштирок этмаслиги керак эди. Аммо 5 март, яъни тендер қатнашчилари савол-жавоб орқали синовдан ўтказилаётганда "Янги ҳаёт" қўрғони фуқаролар йиғини раиси тасдиқлаган ҳужжат тендер ҳужжатига қайта қўшиб қўйилди. Бундан ташқари мен комиссия аъзоси сифатида Дилфуза Бакированинг танловга тақдим қилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларга ҳам шубҳа билдирдим ва комиссия хулосасига имзо чекишдан бош тортдим. Раис ва унинг котиби уйма-уй юриб, комиссиянинг қолган аъзоларига қўл қўйдириб чиқишди.

Саодат Абдураззоқова эътирозлари нечоғли ўринли эканлигини аниқлаш мақсадида Д. Бакирова истиқомат қиладиган Ўртачирчиқ туманидаги "Мустақиллик" маҳалласи котибаси Гулнора Юсуповага учрашдик. Унинг айтишича, ҳақиқатан ҳам февраль ойида маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда Д. Бакированинг хонадонида бўлиб, 11 млн. сўм миқдордаги мол-мулки баҳоланган ва тегишли далолатнома тузилган. Бироқ 4-5 март кунлари Д. Бакированинг турмуш ўртоғи яна маҳалла котибасига учрашиб, 7 февраль куни тузилган далолатномага думалоқ муҳр уриб беришни сўрабди. Сўнгра улар биргаликда "Янги ҳаёт" фуқаролар йиғини раисига учрашиб, юқоридаги далолатномага муҳр қўйдиришибди.

Демак, Абдураззоқова ўз шикоятида баён этган биринчи ҳолат, яъни далолатнома Д. Бакирова ҳужжатлари орасига танлов ўтказилаётган куни қўшиб қўйилгани рост бўлиб чиқди.

— Мен бу ҳақда ариза билан туман прокурорига мурожаат этгандим, — дейди Саодат опа. — 2006 йил 15 март куни туман прокурори Ш. Зулфиевдан 45 ш/06 рақамли жавоб хатини олдим. Унда "Д. Бакировага тегишли барча ҳужжатлар 2006 йилнинг 16 февралига қадар топширилган", дейилган.

Кўриниб турибдики, комиссия раҳбарлари прокуратурага ҳам сохта маълумот беришган.

Шикоятдаги иккинчи ҳолат ҳам ўз тасдиғини топди. Д. Бакированинг тендер танлови ҳужжатлари тўпламига киритилган меҳнат дафтарчасида қайд этилишича, у 1992-2002 йилга қадар Ўртачирчиқ туманининг "Ҳақиқат йўли" ширкат хўжалигида, 2003-2005 йилларда шу тумандаги "Нодирҳожи ота" фермер хўжалигида фаолият кўрсатган. Аммо Ўртачирчиқ туман халқ таълими бўлими тақдим этган маълумотга кўра, Д. Бакирова 1991 йилдан шу бугунга қадар тумандаги 11, 19, 10-мактабларда кимё-биология ўқитувчиси, айни пайтда эса 10-ўрта мактабда психолог вазифасида ишламоқда.

Газетхонда катта бир туманда битта хатога йўл қўйилса-қўйилибди-да, деган фикр туғилиши ҳам мумкин. Афсуски, бундай эмас. Тумандаги "Нуркен Ботир" фермер хўжалиги раҳбари Байдулла Қаршибоевнинг таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида таъкидланишича, у танловга тақдим этилган ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхаларини вақтида комиссиясига топширишга улгурмаган. Тўғрироғи, комиссия котиби Қулбоев бу ҳужжатларни "қабул қилиш муддати ўтди", деб рад этган. Тўғри, мавжуд ҳолатда У. Қулбоев ҳақ. Чунки Низомга кўра белгиланган муддат ўтганидан сўнг ҳужжатлар қабул қилинмайди. Аммо гап шундаки, комиссия тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган муддатнинг охирги кунигача чўзиб юрмай, вақтида ўрганиб чиқиш ва талабгорларга тегишли хулосани айтиши лозим эди. Аммо комиссия раиси ҳам, котиби ҳам зиммасидаги вазифани оқилона адо этмаган. Ҳатто вилоят адлия бошқармаси вакили кўрсатмаларини ҳам бажармай, танлов иштирокчиларини қийин аҳволга солиб қўйган. Янаям очиқ айтадиган бўлсак, уларни атайлаб чалғитишган ва ўзларига тегишли номзодга ён босишган. Натижада эгри йўллар билан ерга эгалик қилмоқчи бўлганлар ғолиб чиқишган. Энди юқорида тилга олинган лойиҳалар бўйича танловда ғалаба қозонганлар шахсига бир эътибор берайлик. 31-лойиҳа бўйича биринчиликни қўлга киритган Дилфуза Бакирова ўз мақсадига "сохта ҳужжат"лар орқали эришган. Боз устига у Оҳангаронда эмас, Ўрта чирчиқ туманида яшайди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бир кун ҳам ишламаган. Наҳотки, қалбаки ҳужжат тақдим этгани учун қонун олдида жавоб бериш лозимлигини ўйламаган бўлса?

27-лойиҳадаги 33 гектарлик ерга талабгор Б. Қаршибоев юз бераётган ноҳақликларга аниқлик киритишни сўраб, туман прокурорига ариза ёзади. 2006 йил 17 мартда прокуратурадан олинган 38 ш/б сонли хатда: "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 20-бандида комиссияга техника воситалари техник паспортларининг асл нусхалари тақдим этилиши, техника воситасини янги ташкил этилаётган фермер хўжалигининг устав фондига киритиш учун оила аъзолардан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилиши кўрсатиб ўтилган. Низомнинг ушбу талабига амал қилинмаган. Шу сабабли ариза оқибатсиз қолдирилади", дейилган.

Эътибор беринг, прокурор жавобида "Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги" дейиляпти. Ваҳоланки, Б. Қаршибоев 2003 йилдан буён 61.8 гектар ерда "Нуркен ботир" фермер хўжалигини бошқариб келади. Хўжалик балансида 6 бош майда мол, 1 та Т-150, 1 та МТЗ-80 трактори ва "Нива" ғалла ўриш комбайни мавжуд бўлиб, давлатга ғалла топшириш режасини ҳар йили ортиғи билан бажарган. Бу маълумотлар туман статистика бўлими томонидан тасдиқланган ва у тендер комиссиясига тақдим этилган.

Прокурор хулосасига асос бўлган Низомнинг 20-бандида, жумладан, шундай дейилади: «Фермер хўжалиги бошлиғи мулк ҳуқуқи асосида ушбу хўжаликка тегишли бўлган техника воситаларини танловга таклиф этиши мумкин. Бунда, техника воситалари имкониятлари фермер хўжалигининг мавжуд ер майдонини ҳам инобатга олган ҳолда баҳоланади", дейилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. 2003 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Б. Қаршибоевнинг фермер хўжалиги балансида бўлган ва туман статистика бўлими томонидан тасдиқланган техника воситаларига оид ҳужжатларни нотариал тартибида тасдиқлатиши шартмиди? Ахир, бу талаб асосан янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига тегишли-ку? Қолаверса, худди шундай камчилик ғаллачиликка ихтисослашган 26 та лойиҳа қатнашчилари томонидан тайёрланган барча ҳужжатларда ҳам мавжудлиги адлия бошқармаси вакили томонидан алоҳида қайд этилган.

Хуллас, С. Абдураззоқова сингари Б. Қаршибоев ҳам бир амаллаб танловда иштирок этди. У 2 март куни биринчи марта эълон қилинган рўйхатда 59 балл билан биринчи ўринни эгаллаганди. Унинг асосий рақиби Ж. Отақулов эса 57 балл тўплаб, иккинчи натижага эришди. 9 март куни эълон қилинган рўйхатда эса Ж. Отақулов 63,5 балл билан ғолиб, деб эълон қилинади.

Аксига олгандай, Ж. Отақулов ҳам худди Д. Бакирова каби оҳангаронлик эмас, балки қўшни Пскент туманида истиқомат қилди.

Албатта, танловларда Ўзбекистоннинг барча фуқаролари иштирок этиши мумкин. Айни пайтда юқорида қайд этилган Низомда танлов ўтказилаётган хўжалик аъзоларига алоҳида имтиёз берилиши ҳам назарда тутилган.

Мана, асосий гаплар айтилди. Қолгани мутасаддилар эътиборига ҳавола.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Ўтган йил сентябрь ойида Бухоро вилоят адвокатлар ҳайъати Евроосиё фонди билан ҳуқуқий ҳимоя марказини ташкил этиш хусусида ҳамкорлик шартномасини имзолаган эди. Марказ зиммасига аҳолига ёзма ва оғзаки маслаҳатлар бериш, бизнес фаолиятининг дастлабки босқичида муаммоларни ҳал этиш кунидан тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, таъсис ҳужжатларини тузишда яқиндан кўмаклашиш, тушган ариза ва шикоятларни суд амалиёти орқали ижобий ҳал этиш, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини, инсон ҳуқуқлари ва кафолатларига риоя этилишини таҳлил қилиш сингари бир қатор вазифалар юклатилган эди.

Изчиллик ва фаоллик самараси

■ **Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири**

Шунингдек, марказ фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича аҳолига бепул юридик хизмат кўрсатишни ҳам ўз зиммасига олган. Унинг фаолиятига назар ташлар экансиз, ўтган қисқа муддат ичида бир қатор ишлар амалга оширилганига ишонч ҳосил қиласиз. Жумладан, турли масалалар бўйича мурожаат қилган 83 фуқародан 20 нафарига ёзма, 31 нафарига оғзаки маслаҳатлар берилган, 32 та ариза бўйича судларга даъво аризалари киритилган. Ана шу давр мобайнида бевосита марказ саъй-ҳаракати билан 1 та хўжалик иши бўйича фермер хўжалиги фойдасига суднинг ҳал қилув қарори чиқарилишига эришилди.

Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари асосан қарз шартномаси, уй-жойни сотиб олиш ва сотиш, мерос бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш, шунингдек, меҳнат ва уй-жой низоларига оид бўлиб, уларни ижобий ҳал этиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ҳуқуқий ҳимоя марказининг фаолият доираси шу билан чекланмайди, албатта. Амалдаги қонунчилик юзасидан тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар ва бошқа соҳа вакиллари ўртасида савол-жавоб кечалари ташкил этилиб, тингловчиларни қизиқтирган барча масалалар бўйича тегишли ёрдам ва маслаҳатлар берилмоқда. Мана, бир мисол. 2005 йил 2 декабрь куни марказга ўз деҳқон хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш ниятида бўлган фуқаролардан бири мурожаат қилиб, Ромитан тумани ҳокимлигига ариза бергани, тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиргани, бироқ, унинг аризаси ҳамон эътиборсиз қолаётганини маълум қилди. Ҳуқуқий ҳимоя марказининг вилоят ҳокимлиги ва судига даъво аризаси киритилди ва масала ўн кун ичида ижобий ҳал этилди. "Янгиобод-95" деҳқон хўжалигини фермер хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказиш лозимлиги ҳақида суднинг ҳал қилув қарор чиқарилди.

2005 йил 2 декабрь куни марказга ўз деҳқон хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш ниятида бўлган фуқаролардан бири мурожаат қилиб, Ромитан тумани ҳокимлигига ариза бергани, тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиргани, бироқ унинг аризаси ҳамон эътиборсиз қолаётганини маълум қилди. Ҳуқуқий ҳимоя маркази томонидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва масала ўн кун ичида ижобий ҳал этилди.

Малакали ҳуқуқшунос, ўз соҳасининг билимдони, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси Тошпўлат Саидов раҳбарлик қилаётган марказ нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ўз фаолиятини Нидерландия қироллиги ҳамда АҚШ ташкилотининг беғараз ёрдами, яъни молиявий кўмаги билан бошлаган бўлиб, айни кунда ННТлар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораяпти. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Республика Савдо-саноат палатасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси билан яқин алоқа ўрнатилган. Шу туфайли тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш борасида аниқ натижаларга эришилаётир.

Марказ ходимлари вақти-вақти билан олий ўқув юртлари талабалари, коллеж, лицей ва умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшлари ҳузурида бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича турли тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этишаяпти. "Норма" ҳуқуқий ахборот тизими ўз фаолиятини кун сайин такомиллаштирмоқда. Бу каби тарғибот-ташвиқот ишлари омманинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти, албатта.

ЭЪЛОН

Республика акциядорлик-тижорат банки "Ғаллабанк" мустақил юртимиз фуқаролари ва меҳмонларига "Joziba" деб номланган қисқа муддатли омонат туридан фойдаланишни таклиф этади. Мазкур омонатга маблағлар жорий йилнинг 1-20 апрель кунлари 3 ой муддатга энг камида 200 000 сўм миқдорида қабул қилинади ва йиллик 22 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Шу билан бирга доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул этилаётганлигини маълум қиламиз:

Омонат тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал(сўмда)	Асосий шартлари
Пластик карточка	муддатсиз	МБ нинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1000	Талаб қилиб олингунча сақланади, фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса, ўша кун учун фоиз ҳисобланмайди.
Имконият	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугаганидан сўнг маблағлар уй-рўзғор ашёси, енгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мақсадида ишлатилади.
Саломатлик	11 ой	19,8	10000	Фоизлар фақат саёҳатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади.
Нафақа-Мададкор	1 йил	18,0	10000	Омонат асосан нафақахўрлар учун очилади.
Ishonch	3 ойдан-3 йилгача	18,0-20,4	10000 дан 5000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва ўзаро шартномага биноан тегишли миқдорда тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан-3 йилгача	18,6-21,0	5000000 дан 10000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва ўзаро шартномага биноан тегишли миқдорда тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан-3 йилгача	19,2-21,6	10000000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва ўзаро шартномага биноан тегишли миқдорда тўлаб берилади.
Меҳригиё	18 ёшгача	15,6	10000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва улар 18 ёшга тўлганда берилади.
Kelajak	16 ёшгача	МБ нинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йили якунида тўланади.
Коммунал омонати	3 ой ва ундан юқори	21,6	100 000	Уй-жой, коммунал ва электр тўловлари омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан банк томонидан тўлаб борилади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланади. Сизларни ўз мижозларимиз қаторида кўришдан мамнунмиз! Мурожаат учун тел: 136-26-57, 136-70-60, 132-16-55, 133-16-55, 133-71-72.

Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

ЯРАТУВЧАНЛИК ҳукмронлик қилган жойда оз нарса билан ҳам катта ишлар яратилади

ХИТОЙ

Иқтисодий «мўъжиза»нинг сири нимада?

ЎТГАН ЙИЛИ ХИТОЙДА ИЧКИ ЯЛПИ МАҲСУЛОТ 9,9 ФОИЗ КЎПАЙИБ, 1,98 ТРЛН. ДОЛЛАРГА ЕТДИ. У ҲОЗИР МАЗКУР КЎРСАТКИЧ БЎЙИЧА САЙЁРАМИЗДА ТЎРТИНЧИ ЎРИНГА ЧИҚИБ ОЛДИ.

Халқаро молия ташкилотларининг маълумотларига қараганда, дунё бўйича иқтисодий ўсиш йилига беш фоиз атрофидадир. Мутахассислар бу борада "дунё фабрикаси" номини олган Хитой Халқ Республикасининг роли жуда катта эканини эътироф этишмоқда. Жаҳон аҳолисининг бешдан бир қисми ёки 1,3 миллиард кишининг ватани бўлмиш мамлакат сўнгги чорак аср мобайнида ўзининг иқтисодий мўъжизаси билан нафақат оддий одамлар, балки экспертларни ҳам лол қолдираяпти.

■ Шерзод ЭРАЛИЕВ

Дарҳақиқат, унинг кейинги 25 йил мобайнидаги тараққиёт суръати кишини ажаблантиради. Ҳар йили мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8-9 фоиз кўпайиб, ўртача етти маротаба ўсган. Ўтган йилги 9,9 фоизли ўсишни ҳам қўшадиган бўлсак, ЯИМ 1,98 трлн. долларга етди. Ҳозирги кунда Хитой мазкур кўрсаткич бўйича сайёрамизда тўртинчи ўринга чиқиб олди. Солиштирилса, айни пайтда АҚШда ЯИМ 12,6 трлн. доллар, Японияда 4 трлн, Россияда 580 млрд. долларни ташкил этишини кўришимиз мумкин. Бошқа бир статистик кўзгу — харид имконияти бўйича ХХР дунёда иккинчи (АҚШдан кейинги) ўринда турибди.

Тўғри, бу астрономик рақамлар аҳоли жон бошига тақсимланса, 1,5 минг доллардан тўғри келади. Бироқ бугунги тараққиёт даражаси келажакда янада янги марраларни забт этишга имкон беради. Ҳокимият тепасида турган Хитой Коммунистик партияси XXI аср ўрталарига бориб ЯИМ ҳажми аҳоли жон бошига 3000-4000 доллардан тўғри келишини башорат қилаётир. Бу ютуқларнинг барчаси расмий Пекиннинг очиқлик сиёсати ва бозор ислоҳотлари йўлида ташлаган қадамлари билан боғлиқ. Экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш ва хорижий сармояларни рағбатлантириш (сармоя миқдори 600 млрд. долларга етди) ўз самарасини бераётир.

Қўлга киритилган ютуқларнинг ҳайратланарли жиҳати шундаки, Хитойда меҳнат ресурслари ва ер ости, ер усти захиралари ичида кўмирдан ташқари ҳеч қандай бойлик йўқ. Энг чекланган ресурс — бу ердир. Мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига 0,1 га атрофида ҳайдаладиган майдон тўғри келади. Хитойнинг аксарият туманларида тоза ичимли сув ва ўрмонлар етишмовчилиги сезилади.

Кузатувчиларнинг фикрича, ЯИМ ўсиши ортидан қувиш мамлакатдаги экологик вазиятни анча мураккаблаштириб қўйди. Халқаро ташкилотларнинг маълумотига қараганда, чучук сувнинг 70 фоизи ифлосланган, носоғлом атмосфера эса йирик шаҳарлар ва бир қатор минтақалар учун катта муаммо бўлиб қолди.

"Хитой қаёққа қараб кетмоқда?" деган савол айни чоғда иқтисодчилар ва сиёсатшунослар ниҳоятда қизиқтирмоқда. Ҳаммадан кўра унинг геосиёсий йўналиши катта баҳсларга сабаб бўлаяпти. Ғарб сиёсатшунослари машҳур саркарда Наполеоннинг "уйқудаги йўлбарс" ҳақида айтган фикрларини кўп эслашади. Франция императори "Қўяверинг, Чин ухлайверсин, уйқудан турса, дунёни зир титратади" деганида минг бора ҳақ эди. Бироқ "гигант", Мао Цзэдун ибораси билан айтганда, 1949 йилда оёққа туриб олди ва ҳатто иқтисодий жиҳатдан "катта саккизлик"ни қувиб ўтди. Шу ўринда савол туғилади: хўш, Хитой иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудратини қаерга сарфламоқчи? Расмий Пекин мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланиши ҳеч кимга таҳдид солмаслигини бот-бот такрорлаяпти. Бироқ айрим ташқи кучлар Хитой қудрати ошиб бораётганидан ташвишга тушмоқда.



Одил Раҳмон олган сурат

Айниқса, АҚШ Хитойнинг иқтисодий ва ҳарбий соҳадаги имкониятларини ўзининг Жануби-Шарқий Осиёдаги манфаатларига хатар сифатида кўриб, минтақадаги ҳарбий техника воситалари сонини кўпайтиришга, Тайваннинг мустақилликка оид иддаоларини қўллаб-қувватлашга, Япония билан ҳарбий иттифоқни мустаҳкамлашга, унинг ҳудудида ракета ҳужумидан мудофаа тизимини ўрнатишга уринмоқда. Бироқ икки давлат муносабатларида рақобат билан бир қаторда мулоқот, кенг қамровли савдо-иқтисодий алоқалар ҳам мавжуд. Ўзаро товар айланмасининг 150 млрд. доллардан ошгани бунинг яққол исботидир. Қолаверса, Америка ва Хитой компаниялари ўртасида нефть конларига эга бўлиш учун дунёнинг турли бурчакларида кескин рақобат авж олди. Буларнинг барчаси, вақти келиб, Хитой АҚШнинг жаҳон майдонидаги бош рақибига айланишини англатади, деб ҳисобланмоқда.

Хитойнинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё ва Россия билан муносабатларни мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутади. Пекин Ўзбекистон учун ҳам халқаро ишлар ва бошқа қатор соҳаларда яхши ҳамкор саналади. Бу муносабатларнинг аҳамияти охирги йилларда муттасил ошиб бормоқда. Шу ўринда мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Юртбошимизнинг хорижга илк давлат ташрифларидан бири ХХРдан бошланганлигини таъкидламоқ жоиз.

Аслини олганда, иқтисодиёт тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар таъкидлашларича, Хитой тараққиётнинг аксарият даврларида ҳам иқтисодий етакчилардан бири бўлган. Масалан, "The Economist" журнали ёзишича, XV асргача мамлакат аҳоли жон бошига даромад ва ўша замон технологиялари бўйича биринчи ўринда бўлган. Бироқ Ғарбда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши ва давлатлар ўртасидаги бошқинчилик сиёсати Хитойга ҳам салбий таъсир кўрсатган.

1978 йили Хитой раҳбарияти синфий кураш тамойилларидан воз кечиб, бозор иқтисодиёти талаблари асосида мамлакатни модернизациялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва ушбу мақсадни уч босқичда амалга ошириш йўли билан 1980-1990 йилларда тўлиқ ички ишлаб чиқариш эвазига аҳолини кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминлашга, 1990-2000 йилларда ЯИМни икки баробар кўпайтиришга эришди. 2000-2050 йилларга мўлжалланган учинчи босқичда мамлакат тўлиқ модернизация қилинади.

Мамлакатнинг тез тараққий этишида тадбиркорларга катта иқтисодий эркинлик берилиши ҳам муҳим роль ўйнади. Ҳукумат тўғридан-тўғри инвестиция киритишни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Замонавий технологиялар ва бошқарувнинг "know-how" усулларини жорий этишга катта эътибор қаратилаяпти.

Дарқақиқат, бугун Хитой Халқ Республикаси том маънода "дунё фабрикаси"га айланиб улгурди. Айни пайтда бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган телевизор, микротўлқинли ўчоқ, DVD-плеер ва пойафзалнинг учдан икки қисми, фото ва видеокамераларнинг ярмидан кўпи, шахсий компьютерларнинг бешдан икки қисми ушбу "фабрика" ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хитой нафақат йирик ишлаб чиқарувчи мамлакат, балки катта бозор майдони ҳам. Кўп сонли ва арзон ишчи кучи ҳамда катта истеъмол бозорининг мавжудлиги бунинг асосий омилидир. Бу билан мамлакат Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа давлатлар иқтисодиёти учун "локомотив" вазифасини ўтаяпти. Масалан, Хитойга йўналтирилган экспорт ҳажми эвазига Япония ўз иқтисодий қувватини тиклаб олди.

Иқтисодиётнинг тез ўсиши хом ашёга бўлган талабни ҳам ошириб юборди. Натижада нефть истеъмоли бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди. Кембриж энергетика тадқиқотлари уюшмаси (CERA) маълумотига кўра, Хитойда нефтга бўлган талабнинг ортишига оғир саноатнинг ривожланиши (айниқса автомобиль ишлаб чиқариш сўнгги икки йилда икки маротаба ортган), шунингдек, баъзи корхоналарнинг электр тақчиллигидан дизель генераторларига ўтгани сабаб бўлаяпти. Айни пайтда ҳар 70 нафар хитойликнинг биттасида автомобиль бор. Агар Америкадаги каби ушбу давлатда ҳам ҳар икки кишининг бири автомобилга эга бўлса, унда Хитой йўлларидаги машиналар сони 650 миллионтага етади, бу эса ер юзидаги барча автомобиллар сонидан ҳам кўп демакдир, деб ёзади уюшма ўз тадқиқотида. Бу эса ёнилғига бўлган талабнинг кун сайин ортиб бораётганидан дарак беради.

Шу билан бирга баъзи тадқиқот марказлари Хитойнинг бунчалик жадал ўсиши дунё иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига ишора қилишмоқда. Хитойнинг ҳозирги ривожланишини бекорга велосипедни бошқаришга ўхшатишмайди: тезлик камаядиган бўлса, мувозанат йўқотилади. Дарқақиқат, ХХРдаги иқтисодий ўсиш суръати бирданига пасайиши дунё миқёсидаги инқирозни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпчилик Хитой ерга аста, эҳтиёткорлик билан қўниши керак, деб ҳисобламоқда.

"The Economist" журнали мутахассислари Хитойнинг жаҳон иқтисодиётига силкинишларсиз глобаллашувига эришиш учун ушбу мамлакатнинг халқаро иқтисодий ташкилот ва форумлардаги иштирокини кенгайтириш керак, деб ҳисобламоқдалар. Масалан, Хитой айни пайтда дунёнинг энг обрўли ва ривожланган давлатларидан ташкил топган "катта саккизлик" (G8) аъзоси эмас. Ваҳоланки, у асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ушбу давлатларнинг аксариятини ортда қолдиради (тан олиш керак: ЯИМнинг аҳоли жон бошига тақсимоти бўйича у ривожланаётган давлатлар сирасига киради). Бугун "катта саккизлик" қабул қилаётган кўпгина қарорларнинг ижроси иқтисодий гигантга айланган Хитойнинг иштирокисиз тобора қийинлашиб бораяпти. Бундан ташқари, ХХРнинг "катта саккизлик" давлатларига аъзо бўлиши Европа ва Америкадаги ушбу давлат товарларига нисбатан протекционизм сиёсатини, яъни ўз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида экспорт товарларига чекловлар қўйишни камайтиришга хизмат қилиши мумкин. Бугун Ғарб давлатлари томонидан жиддий рақибга айланиб бораётган Хитой билан савдо алоқаларига турли чекловлар қўйилиши ушбу давлатнинг тараққиётига тўсиқ бўлиш билан тенг. Бу эса яқиндаги фойдани кўзлаб, узоқдаги хавфни кўра олмаслик, демакдир.

ТАФСИЛОТЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФИКР, ХОЛИС ИСЁН

ИТАЛИЯ

Италиянинг «RAI 1» телеканалида бош вазир Сильвио Берлускони билан унинг яқинда бўладиган сайловлардаги рақиби Романо Проди ўртасида эфирда тўғридан-тўғри баҳс-мунозара уюштирилди. Мунозаралар якунини ҳеч ким кутмаган эди. Оммавий тортишувларга унчалик уста бўлмаган жаноб Проди ўзидан бир қадар тажрибалироқ нотиқ Сильвио Берлусконини орқада қолдириб кетди. Бош вазирнинг мавқеи унинг ва қуршовидагиларнинг атрофида кўтарилган янги жанжал туфайли янада мураккаблашиб қолди. Бу ҳолат апрелда бўлиб ўтадиган сайловларда Италияда ҳукумат партияси алмашинувини аниқ қилиб қўйди.

Берлускони қуёш сўнмоқда

Сильвио Берлускони ва Романо Проди тўғридан-тўғри эфирда илк маротаба бундан ўн йил муқаддам — 1996 йили парламент сайловлари арафасида рўпара келган эдилар. Саволларни Tempro ва Messagero газеталарининг икки журналисти бериб турди. «RAI 1» янгиликлар дастури бош муҳаррири ҳакамлик қилди.

Қуръа натижасига кўра, саволларга биринчи бўлиб Романо Проди жавоб қайтарди. Биринчи савол солиқ сиёсатига тааллуқли эди. Эътиборли томони шундаки, "Кам солиқлар тўлаймиз!" шиорини илгари суриб, ҳокимият тепасига келган Сильвио Берлускони шу соҳада ўзини ишончлироқ сезарди. Мухолифат раҳнамосини бу савол зинҳор чўчитмади. У дарҳол ҳужумга ўтиб, ҳукумат солиқ сиёсатидаги энг асосий ишни қилмаганини, яъни ишчи кучидан олинадиган солиқни камайтирмаганини айтди. Бу нарса иқтисодиётнинг ўсишига жиддий тўсиқ бўлиб турибди, деди у.

Жаноб Берлускони асабийлашган ва ўзига ишонмаган ҳолда намоён бўлди. У қоғозга нималарнидир чизарди. Чамаси, ҳукумат катта ислоҳотларни амалга оширгани ҳамда ўтган даврдагига қараганда кўпроқ қонунлар қабул қилгани ҳақидаги сўзларига кўпчилик ишонмаётганини ўзи ҳам сезиб турарди.

Романо Проди маҳкама раҳбарининг айни пайтда йирик бизнес эгаси бўлиши турли манфаатлар ўртасида можаро келиб чиқишига сабаб эканини писанда қилиб, ҳукумат бошлиғининг оғриқ нуқтасига тегиб қўйди.

Орадан бир неча соат ўтганидан кейин телетомошабинлар ўртасида ўтказилган сўров ғалаба Романо Продига насиб этганини кўрсатди.

АҚШ

Музокаралар боши берк кўчада

Япония ҳудудидаги АҚШ ҳарбий объектларини кўчириш ва қисқартириш юзасидан Вашингтонда ўтказилган Америка-Япония музокаралари кескин келишмовчиликлар билан бошланди.

■ Дилфуза МУҲАМЕДОВА

Окинавадан 8 минг нафар Америка денгиз пиёдаларини Тинч океан марказидаги АҚШга тегишли Гуам оролига олиб ўтиш учун тўланадиган ҳақ кўплаб тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги музокаралар арафасида Япония ташқи ишлар вазири Таро Асо, агар Токио сўралаётган сумманинг ярмидан камроғини ўз зиммасига оладиган бўлса, муросага келиш имконияти борлигига ишора қилди.

Вашингтон бу операцияни 10 млрд. долларга баҳоламоқда ва Японiядан унинг 75 фоизини тўлашни сўраяпти.

Мазкур масала бўйича 2006 йил 23 мартда Токиода бўлиб ўтган музокаралар ҳам бирон-бир натижа бермаган эди.

ТУРКИЯ

Туркиянинг таҳликали кунлари

Курдларнинг ҳукуматга қарши чиқишлари бир ҳафтадан буён давом этмоқда. Ҳозиргача 20 га яқин киши ҳалок бўлди. Анқара расмий доиралари эътирофича, бундай тартибсизликлар орқасида тақиқланган Курдистон ишчи партияси турибди. Шундай партия борлигини кейинги пайтларда кўпчилик эсидан ҳам чиқариб юборган эди.

■ Мир ТОҲИР

Экспертларнинг фикрига қараганда, Абдулла Ўжаланнинг бир вақтлар даҳшат солган «фарзанди» партия раҳбариятига ёш авлод келиши билан қайта туғилди. Ўтган куни ғалаёнчилар Туркиянинг туристик ҳудудларини жанговар ҳаракатлар минтақаси, деб эълон қилдилар. Ҳаммаси бир ҳафта аввал бошланди. Ўтган ҳафтанинг сешанба куни мамлакатнинг жануби-шарқидаги Диёрбакир шаҳрида Курдистон ишчи партиясининг 4 нафар жангчиси дафн қилинди.

Улар мунтазам ҳаракатдаги армия билан тўқнашув пайтида ҳалок бўлишган эди. Минглаб одамлар тўпланган мотам маросими оммавий норозилик акциясига айланиб кетди. Ғалаёнчилар асосан иқтисодий талабларни — иш ўринлари бериш, малакали тиббий хизмат билан таъминлаш масалаларини илгари сурдилар. Сиёсий шиорлар ҳам эшитилиб турди. Намойишчиларни кўздан ёш оқизувчи газ ва осмонга отилган ўқлар ёрдамида тарқатиб юборишга муваффақ бўлинди. Кечга яқин соқчилар шаҳарда назорат ўрнатишга эришдилар.

Бироқ эртасига мамлакатнинг бутун жануби-шарқи ларзага келди. Курдларнинг намойишлари Силопи, Юксеков ва бошқа шаҳарлардан бошланди. Қизилтепада бир неча минг курд Адолат ва тараққиёт ҳукмрон партиясининг маҳаллий ваколатхонасини ёқиб юборди. Ҳафта охирида тартибсизликлар марказий Туркияга ҳам кўчди. Анқарада намойишчилар тўдаси дўконлар, банк офислари ва ҳукумат муассасаларига ўт қўйишди.

Бу Туркияда кейинги ўн йил мобайнида рўй берган энг катта ғалаёндир.

БОШҚАлар тан олган ҳақиқатни тан олиш билан ўз қиёфасини йўқотишдан чўчийдиганлар ҳаммадан кўпроқ янглишадилар

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

ФУТЗАЛ

Ўзбекистон — қитъа чемпионати мезбони

21–27 май кунлари мамлакатимизда футзал бўйича Осиё чемпионати ўтказилади

Профессионал спортчилар иштирокида ўйналадиган жамоавий спорт турлари қаторига нисбатан кейинроқ қўшилган футзал, яъни мини-футболнинг усти берк, қаттиқ қопламали майдонда ўйналадиган тури кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам тобора оммавийлашиб бормоқда.

■ **Шуҳрат ХЎЖАЕВ**

Зеро, Макаода ўтказилган сўнгги Осиё чемпионатида терма жамоамиз муваффақиятли иштирок этгани, қолаверса, мамлакат чемпиони — "Ардус" жамоасининг яқинда Эронда ўтказилган Осиё Чемпионлар лигаси баҳсларидан фахрли иккинчи ўринни олгани мухлисларнинг мазкур спорт турига қизиқишини янада оширди, десак, муболаға бўлмайди. Шундай экан, футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бизнинг юртимизда ўтказилиши айни муддао бўлган, дейиш мумкин. Ўзбекистон Футбол федерациясининг (ЎФФ) ахборот-таҳлил бўлимидан хабар беришларича, ўтган ойда Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) вакиллари мусобақалар ўтказилиши мўлжалланган маскан, яъни Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасини кўздан кечириб чиқиб, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. ЎФФ таркибида тузилган Ижроия қўмита эса айни пайтда мусобақа иштирокчиларини кутиб олиш, ўтказиладиган ўйинларнинг хавфсизлигини таъминлаш, журналистлар билан ишлаш, очилиш ва ёпилиш маросимини ташкиллаштириш каби масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланмоқда.

Чемпионатда жами 16 та терма жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этса-да, ҳозирча ўтган йилги баҳсларда яхши натижаларга эришиб, мазкур чемпионатга тўғридан-тўғри йўл олган 13 жамоанинг номи маълум. Ушбу жамоалар қаторидан етти марта ўтказилган Осиё чемпионатининг етти карра ғолиби — Эрон, амалдаги вице-чемпион — Япония, шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитой, Таиланд, Қувайт, Ливан, Фаластин, Ироқ, Индонезия ва Тайван терма жамоалари ўрин олган. Қолган уч йўлланма учун ОФКнинг янги аъзоси Австралия, шунингдек, Туркманистон, Жанубий Корея, КХДР, Гонконг, Макао, Малайзия, Камбожа, Вьетнам ва Мальдив ороллари терма жамоалари кураш олиб боришади.

АРМРЕСТЛИНГ

Тажрибали мутахассис Алишер Юсупов мураббийлигидаги терма жамоамиз вакиллари ўтган ҳафтада иккита халқаро турнирда рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишди.

Икки қўл ёрдамида иккита ғалаба

Жумладан, Санкт-Петербургда ўтказилган ана шундай мусобақада қатнашган спортчимиз Фарҳод Худоёров 95 кг. вазнлилар орасида 4-ўринни эгаллади. 70 кг.да куч синашадиган термамизнинг бошқа аъзоси Жасур Алекперов эса Нью-Йоркда 29-маротаба ўтказилаётган Strong hand ("Қаттиқ қўл") анъанавий турнирида икки қўли ёрдамида иккита совринни қўлга киритди. Яъни ўнг қўли билан кумуш медалга лойиқ натижа қайд этган бўлса, чап қўли ёрдамида бронза медаль соҳибига айланди.

Маълумотларга кўра, апрель ойида армрестлингчиларимиз Швейцария ва АҚШ спорт мажмуаларида бўлиб ўтадиган халқаро турнирларда иштирок этадилар. Бу гал юқорида тилга олинган икки спортчимиздан ташқари, ўтган йили Россиянинг "Железный мир" журнали томонидан ўтказилган "Жаҳоннинг энг яхши қўл курашчиси" танловида иккинчи ўринга лойиқ деб топилган 110 кг. вазнли вакилимиз Фарид Усмонов ҳам ўз омадини синаб кўради.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

ҚЎЙ. Меҳнатнинг таги роҳат эканлигини унутманг. Маҳсулотингиз ёки хизматингиз учун буюртмалар ҳаддан зиёд ошиб кетса ҳам мижозларингизнинг барчасини хушнуд этишга ҳаракат қилинг. Чоршанба куни кўпйиллик орзуингиз ушалиши кутилмоқда.

БУЗОҚ. Ҳаётингизда фантастик ҳикояларда бўлгани каби ажойибу ғаройиб ҳодисалар рўй бериши мумкин. Санъат соҳасида хизмат қилувчи "бузоқ"лар янги ижодий парвоз учун тайёргарлик кўраверсинлар. Ишбилармонлару тадбиркорлар эса энг муҳим лойиҳаларини муродбахш чоршанба куни амалга татбиқ этсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

ЭГИЗАКЛАР. Анчадан бери осмонингизни қоплаб турган қора булутлар ёйилиб, улар ўрнини, ахийри, интиқлик билан кутилган саховатли қуёш эгаллайди. Энг яқин кишингиз яна бир бора сизга бўлган чексиз садоқатини намойиш этади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида моддий томондан рағбатлантириласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Сизни мутлақо қаноатлантирмай қўйган ҳамкорларингизнинг фаолияти моддий аҳволингизга салбий таъсир эта бошлайди. Шу боис эскириб қолган, аммо шунча вақт ўтсада, эси кирмаган шерикларингиздан воз кечишингизга тўғри келади. Оғирлашиб қолган моддий аҳволингизни эса "захира фондлари" ёрдамида тиклашга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН. Охирги пайтларда шахсий ҳаётингизга доир муаммолар билан овора бўлиб, иш жойингизда жиддий ўзгаришлар рўй берганини сезмай қоласиз. Мижозингизга тўғри келмаган об-ҳаво шароити соғлиғингизга салбий таъсир этиши мумкин.

ПАРИЗОД. Ҳафтанинг дастлабки кунлари суюнчибоп хабар эшитиб, кўнглингиз тоғдек кўтарилиши кутилмоқда. Шундай бўлсада, шанба ва якшанба кунлари тоғ ён-бағрида жойлашган гўшаларга чиқиб, анча толиққан асабларингизга дам беринг. Баҳсли мунозаралардан йироқроқда юришга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ. 13-санага тўғри келадиган чоршанба куни асабларингизни тийинг. Акс ҳолда катта можароларга аралашиб қолишингиз мумкин. Ён-атрофингиздаги ҳамкасбларингиз гапига қулоқ тутсангизгина, ишларингиз бароридан келади. Якшанба куни кутилмаганда катта хазинанинг устидан чиқиб қолишингиз мумкин.

ЧАЁН. Истеъдодингизни яширишга уринманг. Зеро, юлдузлар башорат қилишича, шу ҳафтада сиз қобилиятингизга тўғри баҳо берадиган ҳамда нима десангиз, муҳайё қиладиган ҳомийларга дуч келасиз. Бундай фурсатни бой бермаслик керак.

ЎҚОТАР. Тақдир зарбалари оқибатида оғир аҳволга тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Дам фирибгарларнинг, дам иккиюзламачиларнинг қурбони бўлсангиз-да, тушкунликка тушманг. Оила дея аталмиш мустаҳкам қўрғон сизга доимо ёрдам қўлини чўзишга тайёр.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ота-онангиз ва фарзандларингизни бир жойга йиғиб, оилавий зиёфат уюштиринг. Бундан яқинларингизнинг боши осмонга етиши аниқ. Дала ҳовлингиздаги баҳорий ишларни тезроқ якунлашга ҳаракат қилинг. Якшанба куни рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеани юрагингизга яқин олманг.

ҚОВҒА. Ўз кучингизга ишониб кураш олиб борсангизгина, йўлингизда пайдо бўлган катта-кичик тўсиқларни бартараф эта оласиз. Камроқ гапириб, кўпроқ ишлашга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунларини одатдагидек яқин кишиларингиз даврасида ўтказасиз. Шахсий бизнесингизга "қароқчи"ларнинг ҳужум қилиши кутилмоқда.

БАЛИҚ. Ҳафта бошида қаровсиз аквариум балиқлари сингари чорасиз аҳволга тушиб қолишингиз мумкин. Аммо кўп ўтмай, у кунларни кўрмагандек бўлиб кетасиз. Чоршанба куни анчадан буён оламан, деб юрган нарсангизни харид қиласиз. Дам олиш кунлари арафасида муолажалар қабул қилиб, соғлиғингизни тиклаш пайида бўлинг.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ

Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдувоҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ

Абдували СОИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шуҳрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР

Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР

ПАРТИЯ ТУРМУШИ
55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ
55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ
132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ
55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ
55-70-16

Навбатчилар:
Т. МИРҲОДИЕВ,
Қ. ҚЎЛДОШЕВ.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30.

Буюртма рақами: J-2250
Тираж: 17045

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ килиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

XXI ASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

«ASR EKSPRESS-MEDIA»
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail:milapress@yahoo.com

ЖАҲОН РЕЙТИНГИ

ШАХМАТ

ФИДЕ Каспаров билан хайрлашди

1985 йилдан бери жаҳон миқёсида етакчиликни қўлдан бермай келаётган таниқли гроссмейстер Гарри Каспаровнинг номи Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) рейтингидан чиқариб юборилди.

Маълумки, шахматчи 2005 йилнинг март ойида Линарес шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ғалаба қозонганидан сўнг профессионал шахматдаги фаолиятига нуқта қўйганини эълон қилганди. Шундай бўлса-да, Г. Каспаров асосий рақибларини анча ортда қолдирган ҳолда ФИДЕ рейтингида ҳукмронлигини намойиш этиб келаётган эди. Бироқ шахматчи бир йил мобайнида халқаро майдонда биронта ҳам учрашув ўтказмаганлиги боис, ушбу ташкилот томонидан 31 март куни эълон қилинган навбатдаги рўйхатга киритилмади, деб хабар қилади хорижий ОАВ.

Эслатиб ўтамиз: 1963 йили Бокуда туғилган Каспаров 1980 йили, яъни 17 ёшида (ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган ҳолда) халқаро гроссмейстер мақомини олгач, 1985 йилда хизмат кўрсатган спорт устаси ва шахмат тарихидаги ўн учинчи чемпион, деган номларга сазовор бўлган. Боз устига, 1982 йилдан 2002 йилга қадар 11 марта йилнинг энг яхши гроссмейстерига бериладиган "Шахмат Оскари" совринини қўлга киритган тажрибали спортчи 1985 йилдан то 2006 йилнинг 31 мартигача узлуксиз равишда ФИДЕ рейтингини бошқариб борган.

Айни пайтда эса Каспаровсиз қолган рейтинг жадвалида ўтган йили юртдошимиз Р. Қосимжоновдан чемпионлик унвонини "тортиб олган" болгариялик шахматчи Веселин Топалов пешқадамлик қилмоқда. Сўнгги уч ой ичида бор-йўғи 3 балл тўплаган Топаловнинг умумий кўрсаткичи 2804ни ташкил этади. Ундан бир балл ортда қолаётган ҳиндистонлик шахматчи Вишванатан Ананд сўнгги ойда ўз ҳисобига 11 балл қўшишга муваффақ бўлди. Учинчи ва тўртинчи ўринларни тегишли равишда Жаҳон кубоги соҳиби, арманистонлик Левон Аронян (2756) ва Россиянинг энг яхши шахматчиси бўлиб қолган Петр Свидлер (2743) каби гроссмейстерлар эгаллаб туришибди. 29-поғонадан жой олган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳисобида айни пайтда 2673 балл бор.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»и ходими Зиёдулла БУЗУРХАНОВнинг волидаи муҳтарамаси **ЎҒИЛХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЯНГИЛИК

КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир МАЛИКнинг янги асари — «ҚОРА ФАРИШТА» босмадан чиқди. Китоб савдоси билан шуғулланувчилар учун телефонлар: 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА